

ISSN: 2181-4147

*Scientific Journal*

# Scholar

*Volume 1, Issue 7*



zenodo



TOGETHER WE REACH THE GOAL

2023/7

March

ISSN 2181-4147  
VOLUME 1, ISSUE 7  
MARCH 2023



<https://researchedu.org/index.php/openscholar/issue/view/65>

**“SCHOLAR” SCIENTIFIC JOURNAL**  
**VOLUME 1, ISSUE 7, MARCH, 2023**

**EDITORIAL BOARD**

**G. Kholmurodova**

*Professor, Doctor of Agricultural Sciences, Tashkent State Agrarian University*

**A. Madaliev**

*Professor, Doctor of Economics, Tashkent State Agrarian University*

**G. Sotiboldieva**

*Associate Professor, Doctor of Philosophy (Phd) in Biological Sciences, Fergana State University*

**U. Rashidova**

*Associate Professor, Doctor of Philosophy (Phd) in Philological Sciences, Samarkand State University*

**D. Darmonov**

*Associate Professor, Doctor of Philosophy (Phd) in Biological Sciences, Fergana State University*

**X. Abduxakimova**

*Associate Professor, Doctor of Philosophy (Phd) in Biological Sciences, Fergana State University*

**U. Ruzmetov**

*Associate Professor, Doctor of Philosophy (Phd) in Chemical Sciences, National University of Uzbekistan*

**M. Yusupova**

*Associate Professor, Doctor of Philosophy (Phd) in Biological Sciences, Fergana State University*

**M. Kambarov**

*Associate Professor, Doctor of Philosophy (Phd) in Pedagogical Sciences, Namangan State University*

**S. Sadaddinova**

*Associate Professor, Doctor of Philosophy (Phd) in Physics and Mathematics Sciences, Tashkent University of Information Technologies*

**M. Fayzullaev**

*Associate Professor, Doctor of Philosophy (Phd) Geographical Sciences, Karshi State University*

**Z. Muminova**

*Doctor of Philosophy (Phd) in Agricultural Sciences, Samarkand Institute of Veterinary Medicine*

**B. Kuldashov**

*Doctor of Philosophy (Phd) in Agricultural Sciences, Samarkand Institute of Veterinary Medicine*

**Kh. Askarov**

*Doctor of Philosophy (Phd) in Agricultural Sciences, Fergana Polytechnic Institute*

**S. Nazarova**

*Associate Professor, Doctor of Philosophy (Phd) in Agricultural Sciences, Bukhara State University*

**O. Rahmonov**

*Doctor of Philosophy (Phd) in Technical Sciences, Fergana Polytechnic Institute*

**G. Tangirova**

*Associate Professor, Doctor of Philosophy (Phd) in Agricultural Sciences, Tashkent State Agrarian University*

**Z. Koryogdiev**

*Doctor of Philosophy (Phd) in Historical Sciences, Bukhara State University*

**S. Ubaydullaev**

*Doctor of Philosophy (Phd) in Agricultural Sciences, Andijan Institute of Agriculture and Agrotechnology*

**R. Yuldasheva**

*Associate Professor, Doctor of Agricultural Sciences, Tashkent State Agrarian University*

**M. Yuldasheva**

*Doctor of Philosophy (Phd) in Biological Sciences, Namangan State University*

## **XORIJIY INVESTITSIYALAR O'ZBEKISTON IQTISODIY TARAQQIYOTINING OMILI SIFATIDA**

i.f.d. prof. **Ataniyazov Jasurbek Xamidovich**

Toshkent Moliya Insituti, “Xalqaro moliya-kredit” kafedrasi mudiri

[jasur.ataniyozov@mail.ru](mailto:jasur.ataniyozov@mail.ru)

**Karimbekova Afruzaxon Ravshanbek qizi**

Toshkent Moliya Instituti 2-bosqich magistranti

[afruza.karim@mail.ru](mailto:afruza.karim@mail.ru)

### **ANNOTATSIYA**

*Maqolada xorijiy investitsiyalarning ahamiyati va ularni milliy iqtisodiyotni rivojlantirishdagi o'rni yoritilgan bo'lib, statistik ma'lumotlar asosida tahlil qilingan. Shuningdek, maqolada milliy iqtisodiyotga xorijiy investitsiyalarni jalb qilishda mavjud muammolar va ularni oldini olishni faollashtirishda qanday chora-tadbirlardan foydalanish kerakligi keng yoritilgan.*

**Kalit so'zlar:** *Xorijiy investitsiyalar, kreditlar, to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalar, investitsiya, investor, xorjiy investitsiyalar ishtirokidagi korxonalar*

### **ABSTRACT**

*The importance of foreign investments and their role in the development of the national economy are highlighted in the article and analyzed on the basis of statistical data. Besides, the article describes in detail the existing problems in attracting foreign investments to the national economy and what measures should be taken to activate their prevention.*

**Key words:** *Foreign investment, loans, foreign direct investment, investment, investor, corporations with the participation of foreign investment*

## KIRISH

Barqaror iqtisodiy o'sishni ta'minlash uchun xorijiy investitsiyalar ko'plab rivojlangan va rivojlanayotgan mamlakatlar hukumati e'tiborini qaratadigan asosiy omillardan biri hisoblanadi. Mamlakatimizda ham milliy iqtisodiyotni rivojlantirish uchun xorijiy investitsiyalariga e'tibor kuchaytirildi. Bu esa bugungi kunga kelib yurtimizdagi investitsiya faoliyatining rivojlantirilishiga olib keldi. Bu haqida mamlakatimiz Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev quyidagi fikrlarni ta'kidlab o'tganlar: "Jahon tajribasi shuni ko'rsatadiki, qaysi davlat faol investitsiya siyosatini yuritgan bo'lsa, o'z iqtisodiyotining barqaror o'sishiga erishgan. Shu sababli ham investitsiya – bu iqtisodiyot drayveri, o'zbekcha aytganda, iqtisodiyotning yuragi, desak, mubolag'a bo'lmaydi. Investitsiya bilan birga turli soha va tarmoqlarga, hududlarga yangi texnologiyalar, ilg'or tajribalar, yuksak malakali mutaxassislar kirib keladi, tadbirkorlik jadal rivojlanadi".<sup>1</sup> Shu sababli ham yurtimizda yuritilayotgan investitsiya siyosatining negizida mamlakatimiz investitsiyaviy jozibadorligini oshirish, ya'ni makroiqtisodiy barqarorlikni ta'minlash, xorijiy investorlar huquqlarini himoya qilishni kafolatlash va keng imtiyozlar tizimini yaratish yotadi. Bunday siyosat esa, o'z navbatida mamlakatga qo'shimcha xorijiy kapital bilan birga tajriba, yangi texnologiyalar kirib kelishiga hizmat qiladi. Natijada ishlab chiqarish kengayadi, yangi ish o'rirlari yaratiladi, aholining ish bilan banligi ta'minlanadi hamda aholi daromadlari oshadi. Yurtboshimiz Shavkat Mirziyoyev tomonidan qabul qilingan "2022-2026-yillarga mo'ljallangan yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida"<sup>2</sup> gi Farmonida olib borilayotgan islohotlar samarasini yanada oshirish, davlat va jamiatning har tomonlama va jadal rivojlanishi uchun shart sharoitlar yaratish, mamlakatimizda adolatli ijtimoiy siyosat yuritish, ta'lim sifatini oshirish, mamlakatimizda investitsiya muhitini yanada yaxshilash va uning jozibadorligini oshirish kabi bir qator vazifalar belgilab qo'yilgan. Ushbu Taraqqiyot strategiyasida

<sup>1</sup> O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2019-yil uchun mo'ljallangan eng muhim ustuvor vazifalar haqidagi Oliy Majlisga Murojaatnomasi.// Xalq so'zi, 2018 yil 29 dekabr.

<sup>2</sup> "2022-2026-yillarga mo'ljallangan yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida" gi farmoni

milliy iqtisodiyotni jadal rivojlantirish va yuqori o'sish sur'atlarini ta'minlashning asosiy maqsadlaridan biri bu –mamlakatda investitsiya mihitini yanada yaxshilash va uning jozibadorligini oshirish dan iborat.

Mamlakatimizda xorijiy investitsiyalarni jalb qilish uchun qulay sharoitlar yaratilgan bo'lib, ular quvidagilar:

- siyosiy va iqtisodiy barqarorlik;
- investitsiya faoliyatini qo'llab-quvvatlovchi me'yoriy-huquqiy asos;
- rivojlangan mamlakatlarga qaraganda arzon ishchi kuchi;
- qulay investitsiyaviy muhit;
- boy mineral xom ashyo bazasi;
- qulay geografik joylashuv;
- arzon iqtisodiy resurslar;
- bozorning to'yinmaganligi;
- yashash uchun yaratilgan qulayliklar.

## STATISTIKA

Bugungi kunda O'zbekiston Jahon banki, Osiyo taraqqiyot banki, Islom taraqqiyot banki, Yevropa tiklanish va taraqqiyot banki kabi yirik xalqaro moliya institutlari va tashkilotlari bilan yaqindan hamkorlik qilib kelmoqda. Faol tashqi siyosat natijasida O'zbekiston iqtisodiyotiga investitsiya kiritayotgan mamlakatlar geografiyasi kengaymoqda. 2022 yilga kelib barqaror sarmoya kirituvchi investor-davlatlar soni 50 taga yetdi, ular orasida yetakchi o'rirlarni Rossiya Federatsiyasi, Xitoy, Turkiya, Germaniya va Janubiy Koreya egallab turibdi.

Mamlakatga xorijiy investitsiyalar va kreditlar oqimi hajmi 2022-yil oxiriga kelib, 9.8 mlrd. AQSH dollariga oshdi. Ushbu ko'rsatkich 2017-yilda 3.3 mlrd AQSh Dollarini tashkil qilgan edi. Demak, so'nggi 5 yil mobaynidagi deyarli 3 barobar o'sishni kuzatishimiz mumkin.

O'z navbatida, agar to'g'riddan-to'g'ri xorijiy investitsiyalar va kreditlar hajmi 2.5 mlrd AQSh Dollarini tashkil etgan bo'lsa, 2022-yilga kelib ushbu ko'rsatkich 3.4

barobarga oshdi hamda 8,5 mlrd AQSh Dollariga yetdi, ularning umumiy investitsiya hajmidagi ulushi esa 17,7 %dan 35,4 % ga oshdi.<sup>3</sup>

Xorijiy investitsiyalar ishtirokidagi korxona va tashkilotlar soni ham yil sayin ortib bormoqda: agar 2017-yilda 5,5 mingta xorijiy kapital ishtirokidagi korxona faoliyat ko‘rsatgan bo‘lsa, 2022-yilga kelib ularning soni 15,8 mingtaga yetdi, shundan 6,4 mingtasi qo‘shma korxonalar, 9,3 mingtasi esa to‘liq xorijiy korxonalardir.<sup>4</sup>

Xorijiy investitsiyalar ishtirokidagi korxonalar umumiy sonining 30,5 foizi savdoda, 27,5 foizi sanoatda, 8,0 foizi qurilishda, 4,8 foizi qishloq xo‘jaligida, 4,1 foizi uy-joy va umumiy ovqatlanish sohasida, 2,9 foizi transport va saqlash sohasida, 4,8 foizi – axborotlashtirish va kommunikatsiyalar sohasida, 17,4 foizi – boshqa sohalarda faoliyat olib bormoqda.

### Muammolar

Yurtimizda yuqoridagi ko‘rsatkichlarni yanada yaxshilash patensiali mavjud bo‘lib, unga asosan quyidagi muammolar to‘siq bo‘lmoqda:

- investitsiya uchun qulay infrastrukturaning asosan shaharlarda yaratilganligi va shahardan tashqari ba’zi hududlarda qoniqarli darajada emasligi
- mamlakatdagi inflyatsiya darajasining balandligi hamda uning investitsiya loyihalariga ta’sirining balandligi;
- ortiqcha byurokratik tosiqlarning mavjudligi;
- zamonaviy texnika-texnologiyalarning yetishmasligi;
- iqtidorli va yosh kadrlarning xorijga jo‘nab ketishi;
- investorlarga kerakli iqtisodiy ko‘rsatkichlarning yetarli darajada ochiq va shaffof emasligi.

### TAKLIFLAR

Mamlakatimizda xorijiy investitsiyalar hajmini oshirish uchun quyidagi takliflarni amaliyotga tadbiq etish lozim:

<sup>3</sup> Stat.uz ma’lumotlari asosida muallif ishlanmasi.

<sup>4</sup> Wirtschaftsbericht 2022. Usbekistan in Zahlen.

- yurtimizdqa erkin va haqqoniy investitsion muhitni ta'minlaydigan qonunchilik bazasini takomillashtirib borish;
- investorlar faoliyatini huquqiy tartibga solishni takomillashtirish.
- soliqqa tortish tizimining shaffofligini oshirish
- shahardan tashqarida ham infrastrukturani muntazam yaxshilab borish;
- mamlakat makroiqtisodiy ko'rsatkichlarini doimiy yaxshilagan xolda, uning investitsion jozibadorligini oshirib borish;
- xorijiy sarmoyadorlarga imtiyoz va preferensiyalarni taqdim etish tizimini takomillashtirish;
- yuqori texnologiyalarga asoslangan yangi ishlab chiqarish korxonalarini rivojlantirish;
- o'z tajribasini va texnologiyalarni iqtisodiyotga olib kiruvchi xorijiy investorlarni qo'llab-quvvatlash tizimini yanada takomillashtirish;
- energiya tejamkor va atrof muhitga zarar yetkazmaydigan yuqori texnologik, zamonaviy uskunalarini o'rmatish;

## XULOSA

Xulosa qilib aytganda, xorijiy investitsiyalar iqtisodiy o'sishning muhim manbai bo'lib, undan investitsiya sub'ektlari va ob'ektlari birdek manfaatdor hisoblanadi. Har qanday investor uchun mablag'larni investitsiya qilishning asosiy maqsad - foydani maksimal darajada oshirish bo'lganligi sababli, xorijiy investorlar ma'lum bir mamlakatga sarmoya kiritish to'g'risida qaror qabul qilishda uning investitsion salohiyatini hisobga oladilar, investitsion jozibadorligini baholaydilar va investitsiya muhitini o'rGANADILAR. Shu sababli xorijiy investorlarning ishonchini oshirish uchun ularga yaratilgan shart-sharoitlarni maksimal darajada oshirishga e'tiborni yanada kuchaytirish zarur.

**ADABIYOTLAR**

1. “Chet el investitsiyalari to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasining qonuni. 1998 yil 30 aprel. 3-modda.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2019-yil uchun mo‘ljallangan eng muhim ustuvor vazifalar haqidagi Oliy Majlisga Murojaatnomasi.// Xalq so‘zi, 2018 yil 29 dekabr.
3. “2022-2026-yillarga mo‘ljallangan yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida” gi farmoni
4. *Wirtschaftsbericht 2022. Usbekistan in Zahlen.*
  
5. Qo‘ziyeva N.R. Xorijiy investitsiya ishtirokidagi korxonalar faoliyatini rag‘batlantirishning moliya-kredit mexanizmini takomillashtirish yo‘nalishlari.– T.: BMA, 2008, 11 bet.
6. Fozilchayev Sh.Q., Xidirov N.G. Investitsiya va lizing asoslari. O‘quv qo‘llanma. – T.: Moliya, 2017 yil, 22 bet.
7. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)
8. [www.data.worldbank.org](http://www.data.worldbank.org)
9. [www.unctad.org](http://www.unctad.org)

## БЮДЖЕТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР ВА УЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЙЎЛЛАРИ

**Атаниязов Жасурбек Хамидович**

ТМИ, “Халқаро молия-кредит” кафедраси мудири  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

E-mail: [jasurbek156@gmail.com](mailto:jasurbek156@gmail.com)

**Кенжав Соҳиб Сайфиевич**

БМА магистранти

### **АННОТАЦИЯ**

Уишиб мақолада бюджетлараро муносабатлар ва уларда трансферларнинг тутган ўрни, объектив зарурлиги, функционал вазифалари, иқтисодий оқибатлари ва бюджетлараро муносабатларни тартибга солишни рийвожлантириши истиқболлари ёритиб берилган.

**Калим сўзлар:** бюджетлараро муносабатлар, бюджетлараро трансферт, вертикал ва горизонтал муносабатлар, дотация, субвенция, бюджет ссудаси.

### **INTER-BUDGET RELATIONS AND WAYS OF REGULATING THEM**

### **ANNOTATION**

In this article, inter-budget relations and the role of transfers in them, their objective necessity, functional tasks, economic consequences and prospects for the development of regulation of inter-budget relations are highlighted.

**Key words:** inter-budgetary relations, inter-budgetary transfer, vertical and horizontal relations, subsidy, subsidy, budget loan.

### **КИРИШ**

Мамлакат тараққиёти ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти механизмининг босқичма-босқич такомиллашиб бориши, давлат томонидан бажарилувчи функцияларни жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ролини оширмоқда. Бунда муҳсулотларни ишлаб чиқариш ва хизмат қўрсатиш натижасида яралувчи ялпи ички маҳсулот ва миллий даромаднинг тенг тақсимланиши ҳисобига давлат бюджети ихтиёрида доимий равишда молиявий ресурслар шаклланиб боради. Давлат ихтиёридаги шаклланган пул маблағлар марказлаштирилган пул фонди яъни давлат бюджетида тўпланади. Давлат

бюджетида шаклланган маблағлар мамлакатнинг молиявий сиёсатини юритишининг асосий режасини ўзида ифодалайди.

Ўзбекистон иқтисодиётини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт Стратегиясини сўзсиз бажариш ва шу асосда иқтисодий ривожланишнинг юқори ва барқарор суръатларини, самарадорлигини ҳамда макроиқтисодий мувозанатни таъминлаш [1] каби устувор вазифаларни амалга ошириш шароитида макро-микродаражадаги молиявий ресурслар оқимларининг барқарор механизмларини шакллантириш долзарб аҳамият касб этади. Молиявий ресурслар оқимларини мустаҳкамлаш, иқтисодиётни ривожланишининг ўзаро нисбийлигини ва тенглигини, унинг турли соҳаларини ривожланиши ва самарали ишлашини ҳамда бюджет даромадлари ва харажатларининг мувозанатини таъминлаш бўрида келтирилган мақсадларга эришишда муҳим ўрин эгаллади.

## МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Ўзбекистон республикаси давлат бюджети ва маҳаллий бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар бўйича қатор маҳаллий олимлар ўз тадқиқотларини амалга оширишган. Хусусан, З.Х.Срожиддинованинг илмий ишида Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими унинг таркибий қисмлари ўрганилган. Давлат бюджети билан маҳаллий бюджетлар ўртасидаги ўзаро алоқалар умумий ҳолда қаралган [3].

Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Т.С.Маликов ва П.Жалиловлар тадқиқотларида Давлатнинг бюджет-солиқ сиёсати билан боғлиқ масалаларга асосий эътибор қаратилган [4].

Ш.А.Тошматов, Ш.Р.Ражаббаев, А.Х.Исламкуловларнинг ишларида молиялаштириш ва давлат бюджетига боғлиқ назарий масалалар урганилган[5]. А.Х.Исламкулов ўз ишида Давлат бюджети даромадларини прогнозлаштириш масалаларини кўриб чиқган, Давлат бюджети даромадлари билан ҳар хил даражадаги бюджетлар ўртасидаги муносабатлар қисман қаралган холос[6].

Хорижий олимлардан Brennan G., Buchanan J. ўз тадқиқотларида турли даражадаги бюджетларнинг даромад нуқтаи назаридан ваколатларни тақсимлаш борасида қуйидаги фаразларни шаклантиришган:

биринчидан, бюджет ваколатларини маҳаллий давлат бошқарувига ўтказилиши марказий бюджет харажатларини пасайтириши билан бирга маҳаллий бюджетлар харажатларини ўсишига олиб келади ;

иккинчидан, маҳаллий давлат ҳокимиятининг бюджет сиёсатига оид ваколатлари ортади ҳамда мустақил равишда солиқларни белгилаш имконияти ҳудудлар ўртасида рақобатнинг вужудга келтиради. Маҳаллий давлат ҳокимияти

худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида резидентлар ва бизнесни ривожлантириш учун солиқ ставкаларини пасайтиришлари оқибатида ушбу худудларнинг даромадлари пасаяди [7].

## ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни самарадорлигини ошириши ва уни бошқаришнинг бозор усулларига мос келувчи тузилмасини мукаммал шакллантириш муракқаблиги барчага маълум. Шунинг учун бюджет тизимидағи ислоҳотлар ҳам босқичма-босқич иқтисодий ислоҳотларнинг бош концепциясига ва устувор йўналишларига мувофиқ равишда амалга оширилаётганини такидлаш лозим.

Бюджет тузилмаси ва бюджетлараро муносабатларни тартбга солиш тушунчалари бўйича иқтисодчи олимлар томонидан турли хил фикрлар билдирилган. Масалан, аксарият адабиётларда бюджет тузилмаси бюджет тизимиға қўшиб юборилади ёки муаллифлар бюджет тузилмасининг таърифини аниқ бермайдилар. Бюджет тузилмаси эса бюджет тизимини ташкил қилиш ва унинг тузилиш тамойилларини, турли даражадаги ҳокимият органларининг бюджет хуқуqlари ва ваколатлари, даромад ва харажатларни бюджет тизими бўғинлари ўртасида тақсимлаш тамойилларини аниқланишида муҳим аҳамиятга эгадир.

Профессор В.М. Родионова, бюджет тузилмасининг 3 асосий элементини ажратиб кўрсатади: мамлакатнинг бюджет тизими, турли даражадаги ҳокимият органларининг бюджет хуқуqlари, бюджет тизими бўғинлари ўртасида даромад ва харажатларни тақсимланиш тамойиллари [8]. Бюджет тузилмасининг ушбу шаклда ёритилиши бюджет тузилмаси молиявий категориясининг замонавий мазмунини тўлақонли равишда ўзида акс эттиради.

Бюджет тизими маҳаллий ва республика даражадаги бюджет бўғинлари ўртасида бюджетга оид муносабатлари йифиндиси ҳисобланади. Дунё мамлекатлари давлат қурилишидан келиб чиқиб бюджет қурилиши амал қиласи. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларига республика ва маҳаллий бюджетлар (Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бюджети ҳамда туман ва шаҳар бюджетларидан иборат.

Ўзбекистон Республикаси маҳаллий бюджетларига 2021-2023 йиллар учун мўлжалланган умумдавлат солиқлардан ажратмалар нормативлари 1-жадвалда келтирилган.

Келтирилган маълумотларига кўра, саноати ривожланган худудларда умумдавлат солиқларининг маълум қисми ушбу худуд ихтиёрида

қолдирилаётган бўлса, саноатлашишни бошлаган ҳудудларда улар тўлиғича мазкур ҳудуд ихтиёрида қолдирилган.

### **1-жадвал.**

**2021-2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари [2]**

<b>Ҳудудлар</b>	<b>2021 йил</b>		<b>2022 йил</b>		<b>2023 йил</b>	
	ЖШ (ЯТТ)да н олинади ган даромад солиғи	ЮШдан олинади ган фойда солиғи	ЖШ (ЯТТ)да н олинади ган фойда солиғи	ЮШдан олинади ган фойда солиғи	ЖШ (ЯТТ)да н олинади ган фойда солиғи	ЮШдан олинади ган фойда солиғи
Қорақалпоғи стон	100	100	100	100	100	100
Андижон	100	100	100	100	100	100
Бухоро	100	100	100	100	100	100
Жиззах	100	100	100	100	100	100
Қашқадарё	100	100	100	100	100	100
Навоий	62	100	63	63	75	75
Наманган	100	100	100	100	100	100
Самарқанд	100	100	100	100	100	100
Сурхондарё	100	100	100	100	100	100
Сирдарё	100	100	100	100	100	100
Тошкент в.	45	45	42	40	63	63
Фарғона	100	100	100	100	100	100
Хоразм	100	100	100	100	100	100
Тошкент ш.	5	5	5	5	8	8

Хулоса ўрнида қайд этиш мумкинки, мазкур ажратмалар маҳаллий давлат ҳокимиятининг ушбу солиқ турлари тушумларини ўз вақтида ва тўлиқ таъминлашларини етарли даражада рағбатлантирмайди.

Тартибга солувчи даромадлар ичида жисмоний шахслар даромад солиғи алоҳида ўрин эгаллайди. Маҳаллий бюджетга келиб тушадиган мазкур солиқ

тушумлари жами тартибга солувчи даромадларнинг 60%ни ташкил қиласди. Шунингдек, кичик корхоналарнинг ягона ижтимоий тўлови ҳам тартибга солувчи даромадлар ичидаги аҳамиятлиси ҳисобланади. Унинг жами тартибга солувчи даромадлар ҳажмидаги улуши 20-30 фоизини ташкил қиласди. Мазкур солик тури бўйича нисбий ва абсолют кўрсаткичларнинг ўсиши қузатилмоқда.

Юқорида айтилганидек, Ўзбекистон Республикаси маҳаллий бюджетлари даромад базасини деформация қилиш мақсадида турли хил бюджетни тартибга солиш методларидан фойдаланилади.

Бир неча йиллардан буён бюджетлараро трансферлар иш ҳақи, халқ таълими ташкилотларининг ягона ижтимоий тўлови ва ижтимоий нафакаларни молиялаштиришга ажратилмоқда.

2021-2023 йилларда республиканинг 14та худудидан 11 таси трансферлар олган. 2021-2023 йилларда Андижон, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси энг кўп миқдорда трансферлар олишган (2-жадвал).

## 2-жадвал

**2021-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетига ва вилоятларнинг вилоят бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансферлар миқдорлари [2]**

Т/р	Худудлар номи	2021 й.		2022 й.		2023 й.	
		млрд. сўм	%	млрд. сўм	%	млрд. сўм	%
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	1301,4	12,46	1518,0	10,75	2672,4	11,01
2.	Андижон вилояти	876,7	8,40	1682,3	11,92	2805,5	11,55
3.	Бухоро вилояти	440,0	4,21	442,3	3,13	645,9	2,66
4.	Жиззах вилояти	490,0	4,69	824,6	5,84	1284,4	5,29
5.	Қашқадарё вилояти	1577,3	15,10	2051,3	14,53	3819,0	15,73
6.	Наманган вилояти	1284,0	12,30	1704,8	12,08	2899,9	11,94
7.	Самарқанд вилояти	1102,7	10,56	1008,0	7,14	2196,3	9,05
8.	Сурхондарё вилояти	1293,6	12,39	1987,0	14,08	3248,9	13,38
9.	Сирдарё вилояти	534,3	5,12	673,2	4,77	1086,2	4,47
10.	Фарғона вилояти	910,1	8,71	1377,4	9,76	2181,0	8,98
11.	Хоразм вилояти	632,9	6,06	846,6	6,00	1441,4	5,94
<b>Жами</b>		<b>10443</b>	<b>100</b>	<b>14115,6</b>	<b>100</b>	<b>24280,9</b>	<b>100</b>

2-жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, 2021 йилдан бери трансфертлар оладиган ҳудудлар сонида ўзгариш кузатилмаган. Фақатгина Бухоро вилоятида трансфертлар улуши камайса-да, суммаси ўсиб бормоқда. Кичик ҳажмдаги трансфертлар Жиззах, Сирдарё ва Хоразм вилоятлари улушкига тўғри келди. Келтирилган маълумотлар яна бир бор ҳудудларнинг трансфертлар олиш миқдорини қисқартирувчи сиёsatни амалга ошириш аҳамиятини тасдиқлайди.

## **МУҲОКАМА**

Худуд бюджетини комплекс таҳлил қилиш орқали ҳудудий қонун чиқарувчи ва ижро хокимияти органлари бюджет-солик сиёsatини шакллантириш ва амалга ошириш, бюджет маблағларидан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш, бюджет маблағларини ўзлаштириш устидан назоратни кучайтириш масалаларига оид қарорлар қабул қилишлари учун керакли маълумотларга эга бўладилар. Бу ерда яна бир муҳим масала «Ташаббусли бюджет» лойҳасига келиб тушган таклифларнинг мазмунига қараб мамлакатимиз ҳудуларидаги ижтимоий соҳага оид қандай муаммолар бор эканлиги ҳамда уларнинг қайси вилоятларга қанчадан тўғри келиши борасида ҳақиқий ҳолатни билиш мумкин.

## **ХУЛОСА**

Хулоса ўрнида, юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистоннинг яқин истиқболдаги тараққиёти жараёнида маҳаллий бюджетларнинг даромадлари мутаносиблигини таъминлашга қўйидагicha ёндашиш борасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

- ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ва самарали бошқарувига эришиши ҳамда даромадларни оширишда маҳаллий бюджетлар даромадларини тенглаштиришнинг ижобий таъсир доирасининг кенгайишига эътиборга қаратиш;
- бюджет трансфертлар тизими маълум мезонлар асосланиши, шаффофлигини таъминлаш зарур.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 60-сонли Фармони

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари прогнози тўғрисида”ги Қарорлари. Манба: [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

3. Сирожиддинова З.Х. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими: Дарслик. – Тошкент, 2010. – 500 б.
4. Маликов Т., Жалилов П. Бюджет-солиқ сиёсати. – Т.: “Академнашр”, 2011. – 472 б.
5. Тошиматов Ш.А., Ражаббаев Ш.Р., Исламкулов А.Х. Молиялаштиришининг инновацион усуллари. Монография. – Т.: “Молия” нашириёти, 2015. – 160 б.
6. Исламкулов А.Х. ва б. Давлат бюджети даромадларини прогнозлаштириши. Монография. – Т.: “Spectrum Media Group” нашириёти, 2015. – 160 б.
7. Brennan G., Buchanan J. “Towards a Tax Constitution of Leviathan” *Journal of Public Economics*, 8, p. 255-274.
8. Родионова В.М. Современные требования к бюджетному законодательству // *Финансы*, 1998, №7–С. 11.

## MAHALLIY BUDJETLAR DAROMADLAR BAZASINI MUSTAHKAMLASH YO'LLARI

**Ataniyazov Jasurbek Xamidovich**

TMI, "Xalqaro moliya-kredit" kafedrasi mudiri  
iqtisodiyot fanlari doktori, professor

E-mail: [jasurbek156@gmail.com](mailto:jasurbek156@gmail.com)

**Uzoqov Xusanboy Numonjonovich**

BMA magistranti

### ANNOTATSIYA

*Ushbu maqolada mahalliy budgetlarning daromadlari, ularni joriy holati tahlili hamda daromadlar bazasini shakllantirishdagi mavjud muammolar va ularni bartaraf etish bo'yicha xorijiy mamlakatlar tajribasi o'r ganilib, mamlakatimizda qo'llanilish imkoniyatlari tahlil qilingan.*

**Kalit so'zlar:** mahaliy budgetlar, budget daromadlari, daromadlar bazasi, xarajatlarni rejalashtirish, davlat budgeti, moliyaviy resurslar.

## WAYS OF STRENGTHENING THE REVENUE BASE OF LOCAL BUDGETS

### ANNOTATION

*In this article, the income of local budgets, the analysis of their current state, the existing problems in the formation of the income base and the experience of foreign countries in their elimination are studied, and the possibilities of their application in our country are analyzed.*

**Key words:** local budgets, budget revenues, revenue base, expenditure planning, state budget, financial resources.

### KIRISH

Rivojlangan mamlakatlarda mahalliy budget mustaqil ravishda mahalliy soliqlar va yig'imlar hisobiga shakllantiriladi. Bizning respublikamizda ham mahalliy budget daromadlarini mahalliy soliqlar va yig'imlar tashkil etadi. Mahalliy budgetlar umum davlat iqtisodiy va ijtimoiy vazifalarini amalga oshirishda, birinchi navbatda, ijtimoiy infrastrukturani saqlash va rivojlantirishga davlat mablag'larini taqsimlashda alohida ahamiyatga ega. Mamlakat budgetining tuzilishi birinchi navbatda davlat

tuzilishiga bog‘liq bo‘ladi. Unitar tuzilishga ega bo‘lgan mamlakatlarda budget tizimi ikki bosqichdan, davlat budgeti va mahalliy budgetlar dan iborat. Federal tuzilishga ega bo‘lgan mamlakatlarda budget tizimi uch bo‘g‘indan iborat. Mahalliy budgetlar davlatning moliya tizimini asosiy tarkibiy qismini tashkil etadi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentinig 2017-yil 13-dekabrdagi Farmoniga muvofiq mahalliy budgetlarning daromad bazasini tubdan mustahkamlash va nomarkazlashtirish asosida hududlarni kompleks rivojlantirishni barqaror moliyalashtirish, budgetlararo munosabatlarni yanada takomillashtirish, mahalliy davlat hokimiyati organlarining moliyaviy erkinligini kuchaytirish, kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirishga ko‘maklashish, yangi ish joylari yaratish hamda aholi bandligini ta’minalash, muhandislik-kommunikatsiya, yo‘l-transport va ijtimoiy infratuzilmani jadal rivojlantirish hisobiga soliq salohiyatini kengaytirish bo‘yicha aniq maqsadga yo‘naltirilgan chora - tadbirlarni amalga oshirishda ularning mas’uliyatini oshirishni ta’minalash muhim vazifalardan biridir [1].

## MAVZUGA OID ADABIYOTLAR SHARHI

Mahalliy budget – davlat budgetining tegishli viloyat, tuman, shahar pul mablag‘lari jamg‘armasini tashkil etuvchi bir qismi bo‘lib, unda daromadlar mablag‘lari va ulardan tushumlar miqdori, shuningdek moliya yili mobaynida aniq mablag‘lar uchun ajratilgan mablag‘lar sarfi yo‘nalishlari va miqdori nazarda tutiladi.

Shuni ta’kidlash lozimki, mahalliy byudjetlar imkoniyatlarini baholash bevosita ushbu tushunchaning tub mohiyatini aniqlashni talab qiladi. Iqtisodchi olim I.Zaripova va V.Xafizovalar o‘z tadqiqotlarida “hududiy moliyaviy imkoniyat” tushunchasi bilan “mahalliy moliyaviy imkoniyat” tushunchasini bir tomonidan, “molivaviy resurslar” va “molivaviy imkoniyatlar” tushunchalarini ikkinchi tomonidan bir xil ma’noda talqin etganlar [3].

A.Семенов esa byudjetlararo munosabatlarda hududlarning faqatgina soliq faoliyatiga e’tiborni qaratib, ulardagi imkoniyatlarning boshqa manbalari ularning tahlilidan chetda qolib ketgan [4].

Bir qator rus iqtisodchi olimlar esa hududlarning daromad bazalarini mustahkamlashda faqatgina soliq siyosatini fiskal maqsadlaridan kelib chiqib fiskal siyosatga bog‘liq bo‘lmasan mustaqil siyosat turlaridan biri hisoblanadi deb ko‘rsatishgan [5].

Shuningdek, mamlakatimiz iqtisodchi olimlaridan T.S.Malikov fiskal siyosatni “byudjet-soliq siyosati” talqinida tadqiqot olib borib, uning mazmuniga “bir tomonidan, byudjet daromadlarini (oqilona) shakllantirish, ikkinchi tomondan, byudjet xarajatlarini (samarali) sarflash bilan bog‘liq” [6] deb ko‘rsatadi.

## TAHLIL VA NATIJALAR

Har qanday mustaqil davlat moliyaviy siyosatining zaruriy komponenti mahalliy o‘zini-o‘z boshqarish organlarining mavjudligiga borib taqaladi. Mahalliy va o‘zini-o‘z boshqarish organlariga yuklangan vazifalarni bajarish uchun ularga muayyan mulkiy va moliyaviy budjet huquqi beriladi.

Bu huquqlar o‘z budgetlarini tuzish, ko‘rib chiqish, tasdiqlash, ular boshqaruviga berilgan korxonalarini boshqarish va ulardan daromad olish imkoniyatini yaratadi.

Hududiy davlat boshqaruv organlari moliyaviy tizimining asosiy tarkibiy qismi – bu mahalliy budget qismi hisoblanadi.

Mahalliy budgetlarning davlat budget siyosatidagi tutgan o‘rni mahalliy budgetlar daromadlarini tashkil etish hamda uning tarkibini belgilashda moliyaviy asos bo‘ladi. Mahalliy budgetlar moliyaviy mustaqilligini taminlash uchun ularning daromadlar bazasini ham mustaxkamlash zarur.

### 1-jadval.

#### 2019-2021 yillarda davlat budgeti daromadlarining o‘zgarishi dinamikasi (mlrd.so‘m) [2]

Ko‘rsat kichlar	Yillar	2019	2020	2021
<b>I. DAROMADLAR (MAQSADLI JAMG‘ARMALARSIZ) - JAMI</b>		<b>112 165,40</b>	<b>132 938,00</b>	<b>164 680,3</b>
<b>1. Bevosita soliqlar</b>		<b>31 676,80</b>	<b>45 206,90</b>	<b>58 930,4</b>
1.1	Yuridik shaxslardan olinadigan foyda solig‘i	16 360,60	28 712,20	38 363,3
1.2	Yagona soliq to‘lovidan Davlat byudjetiga ajratmalar	1 988,70	1 353,90	1 649,4
1.3	Jismoniy shaxslardan olinadigan daromad solig‘i	12 668,50	15 140,80	18 917,7
1.4	Tadbirkorlik faoliyatining ayrim turlari bo‘yicha qat’iy belgilangan soliq	658,9		
<b>2. Bilvosita soliqlar</b>		<b>46 427,20</b>	<b>46 428,40</b>	<b>56 290,5</b>
2.1	Qo‘silgan qiymat solig‘i	33 809,80	31 177,40	38 439,0
2.2	Aktsiz solig‘i	10 314,70	11 697,30	13 086,6
2.3	Bojxona boji	2 302,70	3 553,70	4 764,9
<b>3. Resurs to‘lovleri vaulk solig‘i</b>		<b>19 680,70</b>	<b>21 257,00</b>	<b>23 036,4</b>
3.1	Mulk solig‘i	2 360,20	1 974,30	2 457,3

3.2	Yer solig'i	2 313,20	2 386,70	4 082,8
3.3	Er osti boyliklaridan foydalanganlik uchun soliq	14 692,80	16 417,10	15 811,9
3.4	Suv resurslaridan foydalanganlik uchun soliq	314,5	478,8	684,4
<b>4.</b>	<b>Yuqori daromaddan olinadigan soliq</b>	<b>107,9</b>		
<b>5.</b>	<b>Boshqa daromadlar</b>	<b>14 272,80</b>	<b>20 045,80</b>	<b>26 423,1</b>

1-jadval ma'lumotlaridan ko'rishimiz mumkin-ki, davlat budgeti daromadlarining tarkibida bevosita soliqlarning ulushi ortib bormoqda. 2019 yilda bevosita soliqlar hajmi 2021 yilga qaraganda deyarli 2 barobar tafovut kuzatishimiz mumkin. Bilvosita soliqlar hajmi esa esa bevosita soliqlarga qaraganda nisbatan sekin o'sishi kuzatilgan va 46,4 trln. so'mdan 56,3 trln. so'mga yetgan.

Biz yuqorida mahalliy budget daromadlari haqida umumiy ma'lumot berib o'tdik. Endi mahalliy budgetlar daromadlarining davlat budgeti daromadlaridagi ulushini tahlil qilish uchun quyidagi jadval ma'lumotlaridan foydalanamiz (2-jadval).

## 2-jadval.

### Mahalliy budget daromadlarining 2019-2021 yillardagi dinamikasi tahlilli (mlrd.so'm) [2]

Daromadlar	YILLAR		
	2019	2020	2021
<b>Davlat budgeti (mlrd.so'm)</b>	112 165,4	132 938,1	164 680,3
<b>shu jumladan:</b>			
<b>Respublika budgeti (mlrd.so'm)</b>	77031,2	105 235,2	129506,9
<b>Davlat budgetiga nisbatan salmog'i (foizda)</b>	68,7	79,2	78,6
<b>Mahalliy budgetlar (mlrd.so'm)</b>	35134,2	27702,9	35173,4
<b>Davlat budgetiga nisbatan salmog'i (foizda)</b>	31,3	20,8	21,4

O'zbekiston Respublikasi Davlat budgeti daromadlari keyingi yillarda zanjirli ravishda o'sib borgan. Shuningdek, bir vaqtning o'zida mahalliy budgetlarning daromadlari davlat budgeti daromadlariga nisbatan ancha oshgan, ya'ni 2.1-jadval ma'lumotlariga ko'ra davlat budgeti daromadlari tarkibida respublikasi budgetlarining ahamiyati ortib bormoqda. Jumladan, 2021 yilda davlat budgeti 2019 yilga nisbatan qariyb 1,5 barobarga ortgan. Tahlil qilinayotgan yillarda respublika budgeti daromadlari 1,67 barobarga ortgani holda, mahalliy budgetlar daromadlari esa o'zgarmagan.

**3-jadval.**

**Mahalliy soliqlarning O‘zbekiston Respublikasi Davlat budjeti daromadlaridagi ulushi (2019-2021 yillar) [2]**

Ko‘rsatkichlar	2019 yil	2020 yil	2021 yil
Davlat maqsadli jamg‘armalar daromadlarisiz - jami	100	100	100
Shundan;			
<b>Mahalliy soliqlar jami;</b>	<b>4,2</b>	<b>3,2</b>	<b>4,0</b>
Mol-mulk solig‘i	2,1	1,5	1,5
Yer solig‘i	2,1	1,8	2,5

Davlat budgetining mahalliy budgetlardagi salmog‘i nisbatan past bo‘lib qolmoqda, 2019 yilda bu ko‘rsatkich 35173,4 mlrd. so‘mni tashkil etib, jami Davlat budjeti daromadlariga nisbatan 21,4 foizni tashkil etgan.

Mahalliy budgetlar daromadlari Davlat budgeti daromadlaridagi ulushining o‘sishi salbiy holat hisoblanib, bu esa o‘z navbatida mahalliy budgetlar daromadlar bazasining mustahkamlanishiga to‘sinqinlik qilishi mumkin va o‘z navbatida mamlakat iqtisodiyotiga salbiy ta’sir ko‘rsatishi mumkin.

3-jadval ma’lumotlaridan ko‘rishimiz mumkinki, mahalliy soliqlar bo‘yicha davlat budgetiga tushum 2019 yildagi ulushi 2021 yilga kelib 0,2 foizga kamaygan. Shunga mos ravishda 2019 yilda jami davlat budgeti daromadlarida yer solig‘i 2,1 foizni tashkil etgan bo‘lsa, 2021-yilga kelib 0,4 foizga oshgan.

## MUHOKAMA

Barchamizga ma’lumki, mahalliy budgetlarning eng muhim, asosiy daromad manbayi bo‘lib mahalliy soliq va yig‘imlar hisoblanadi. Ular hozirga qadar mahalliy budget daromadlarim o‘sishiga qarab mutanosib ravishda shakllantirilib, takomillashtirilmoqda. Agarda mamlaktda bo‘layotga mahalliy budget isloxoxtariga nazar tashlaydigan bo‘lsak, mahalliy budgetlarning mavqeyini oshirish borasidagi chora-tadbirlaming aniq yo‘nalishi mahalliy budgetning daromad manbayini mustahkamlashga qaratilgandir. Bugungi kunga kelib ularning yangi turlari joriy etildi va amaliyotda samarali qo‘llanilib kelinmoqda.

Rivojlangan mamlakatlardagi mahalliy molianing tashkil etishning tajribasi shundan dalolat beradiki, aholiga yaratiladigan ijtimoiy ne’matlarni (maorif, sog‘liqni saqlash, fan, ijtimoiy himoya va boshqalar) yetkazish asosan, mahalliy byudjetlar orqali yetkaziladi. Hozirda mahalliy davlat organlariga davlatning ijtimoiy siyosatini amalga oshirishdek muhim vazifa yuklatilgan. Mamlakatning turli hududlarida

istiqomat etuvchi aholiga ijtimoiy – madaniy xizmat ko‘rsatish harajatlarini moliyalashtirish esa, asosan, mahalliy byudjetlar orqali amalga oshiriladi. Ma’lumki, davlatning ijtimoiy siyosatini amalga oshirish juda katta moddiy va moliyaviy resurslarni talab etadi.Umuman, davlat pul resurslarini mavjud byudjet tizimi bo‘g‘inlari o‘rtasida taqsimlanishi asosan, quyidagi tamoyillar asosida amalga oshiriladi:

- barcha darajadagi byudjetlarning mustaqilligi;
- byudjet tasnifi tizimi, hisob-byudjet hujjatlari va byudjet jarayoni tuzilishining yagonaligi;
- turli darajadagi byudjetlarning o‘zaro bog‘liqligi;
- davlat daromadlarini aniq manbalar bo‘yicha va harajatlar yo‘nalishlari (moddalari) bo‘yicha rejalashtirish;
- Davlat byudjeti harajatlarini byudjetdan ajratiladigan mablag‘lar doirasida sarflash.

## XULOSA

Mamlakatimiz budget tizimida hali hal qilinishi kerak bo`lgan muammolar va amalga oshirilishi kerak bo`lgan ishlar mavjuddir. Avvalambor yo`lga qo`yilishi kerak bo`lgan eng muhim ishlardan biri, bu budgetdan moliyalashtirilayotgan muassasalar o‘z faoliyatlarida budget mablag‘laridan oqilona foydalanishini nazorat qilish, budget intizomiga to‘liq rioya etilishini ta`minlash, budget mablag`larine ko`zlangan maqsadlarga sarflanayotganligini yanada nazorat ostiga olishni yo`lga qo`yish kerak.

Avvalambor budget jarayonida daromadlar o`z vaqtida shakllantirilmasa, qancha xarajatlar rejashtirilmasin hech qanday natijaga erishib bo`lmaydi. Daromadlarni o`z vaqtida kelib tushishini ta`minlashni yo`lga qo`yish kerak. Qolaversa budgetdan qilinadigan xarajatlarni ham samarali taqsimlash va sarflash maqsadga muvofiqdir. Buning uchun moliya organlarining, g`aznachilikning joylardagi xodimlari, budget tashlikotlari va budget jarayonida qatnashadigan boshqa sub`ektlarning kadrlar muammosi batamom hal qilinishi kerak. Davlat budgeti mablag`larini suiste`mol qilinishini oldini olinishini, iqtisod qilinishini bevosita mamlakatimiz budget tizimida tatbiq etilgan g`aznachilik va davlat xaridlarini amalga oshirish bilan bevosita bog`lashimiz mumkin. Biz bitiruv malakaviy ishining ushbu bobida g`aznachilik tomonidan budgetga tushadigan daromadlarni to‘liq qamrab olinishi, davlat xaridini yanada takomillashtirish masalasi, davlat xaridini tashkiliy-huquqiy mamlakatimiz budget jarayoni qatnashuvchi sub`ektlar hodimlarini malakasini oshirish, aholini ish bilan banlik darajasini oshirib, aholiga ajratiladigan ijtimoiy himoya xarajatlarini kamaytirib, mablag`larni boshqa sohalarga yo`naltirish kabi takliflarni berildi. O‘ylaymizki ushbu takliflar mamlakatimiz budgeti sohasida o`z samarasini beradi.

***FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI***

1. O'zbekiston Respublikasi Budjet kodeksi. 2013 yil 26 dekabr
2. <https://openbudget.uz/> - O'zbekiston Respublikasining "Ochiq budget" portal ma'lumotlari
3. Зарипова И.Р., Хафизова В.Р. Баланс финансовых ресурсов территорий. 2-изд. Уфа: ГП Принт, 2001, 86-90 б.
4. Семенов А.В. Механизм распределения налогов между бюджетами регионов. М.: АОЗТ «Маска», 1999, с. 21-28.
5. П.Горкина, Н.Л.Тумановой, Н.Н.Шаповаловой, Ю.В.Якутина. Экономика и право. Энциклопедический словарь Габлера. Пер. С нем. Под ред. А – М.: Большая Российская энциклопедия, 1998. С.108.
6. Malikov T.S. Byudjet-soliq siyosati / T.S.Malikov, P.T.Jalilov; T.S.Malikovning umumiy tahriri ostida, O'z.R. Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, TMI.-T.Akademnashr, 2011.-6-bet.

## MAHALLIY BUDJETLAR XARAJATLARINI REJALASHTIRISH MUAMMOLARI VA YECHIMLARI

**Ataniyazov Jasurbek Xamidovich**

TMI, "Xalqaro moliya-kredit" kafedrasи mudiri  
iqtisodiyot fanlari doktori, professor  
E-mail: [jasurbek156@gmail.com](mailto:jasurbek156@gmail.com)

**Ro'zimatov Axmadjon Xayrullo o'g'li**  
BMA magistranti

### ANNOTATSIYA

*Ushbu maqolada mahalliy budjetlarning xarajatlari, ularni joriy holati tahlili hamda xarajatlarni rejalahtirish muammolari va ularni bartaraf etish bo'yicha xorijiy mamlakatlar tajribasi o'r ganilib, mamlakatimizda qo'llanilish imkoniyatlari tahlil qilingan.*

**Kalit so'zlar:** davlat budgeti, mahalliy budgetlar, budget xarajatlari, xarajatlarni rejalahtirish, moliyaviy resurslar.

## PROBLEMS AND SOLUTIONS OF LOCAL BUDGET COST PLANNING

### ANNOTATION

*In this article, the costs of local budgets, their current state analysis, as well as the problems of cost planning and the experience of foreign countries on their elimination, are analyzed, and the possibilities of their application in our country are analyzed.*

**Key words:** state budget, local budgets, budget expenditures, expenditure planning, financial resources.

### KIRISH

O'zbekiston Respublikasida bozor munosabatlarini yanada rivojlantirish qaratilgan tub iqtisodiy islohotlar o'tkazilishi budget tizimi, jumladan, mahalliy budgetlar ahamiyatini yanada oshiradi. Bunda hududlarning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishi mahalliy budgetlarning moliyaviy barqarorligiga bog'liq bo'ladi. Islohotlar chuqurlashishi bilan mahalliy budgetlar tomonidan moliyalashtiriladigan chora-tadbirlar hajmi oshishi natijasida ular ixtiyorida qoluvchi daromadlarni kengayib borishi lozim.

O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirining 2018 yil 11 maydagi “O‘zbekiston Respublikasi Davlat budgeti pul mablag‘larini kassali rejalashtirish va boshqarishni amalga oshirish bo‘yicha hujjat shakllari va ularni taqdim qilish tartibi to‘g‘risida”gi yo‘riqnomasi qabul qilingan bo‘lib, yo‘riqnomasi O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi G‘aznachiligi va uning hududiy bo‘linmalari (bundan buyon matnda G‘aznachilik bo‘linmalari deb yuritiladi), O‘zbekiston Respublikasi Davlat soliq qo‘mitasi (bundan buyon matnda DSQ deb yuritiladi), O‘zbekiston Respublikasi Davlat bojxona qo‘mitasi (bundan buyon matnda DBQ deb yuritiladi), shuningdek soliq va yig‘imlarni undirish bo‘yicha boshqa vakolatli organlar (bundan buyon matnda boshqa vakolatli organlar deb yuritiladi), budget tashkilotlari va budget mablag‘lari oluvchilarga nisbatan tatbiq etiladi [2].

### **MAVZUGA OID ADABIYOTLAR SHARHI**

Ushbu mavzu doirasida xorijiy olimlardan P.Samuelson soliqlar va davlat xarajatlari bilan ish ko‘rvuchi fiskal siyosat, pul siyosati bilan qo‘shilganda yuqori darajadagi aholi bandligini yuzaga keltiruvchi barqaror iqtisodiyotni maqsad qilib qo‘yadi, lekin bu yerda narxlar qadrsizlanishi ma’lum darajada hisobga olmaydi, deb fiskal ahamiyatini baholashga uringan [3].

Xususan, S.Fisher, R.Dornbush va R.Shmalenzilar yaxlit olingan davlat xarajatlari va soliq sohasidagi muammolarni hal etishga qaratilgan deb fiskal siyosatga aniqlik kiritishga harakat qilishgan [4].

Rus olimi Y.F.Borisov fiskal siyosat davlat tomonidan byudjet daromadlari va xarajatlarini tartibga solishga qaratilgan davlatning yaxlit olingan moliyaviy chora- tadbirlar majmuasi deb ko‘rsatadi. Shuningdek, zamonaviy fiskal siyosat moliyaviy resurslardan samarali foydalanish va moliyalashtirish manbalarini shakllantirish hamda uning asosiy vazifasi davlat xazinasini to‘ldirish hisoblanadi [5].

Mahalliy olimlardan iqtisodiyot fanlari doktori, professor T.S.Malikov fiskal siyosatni “byudjet-soliq siyosati” talqinida tadqiqot olib borib, uning mazmuniga “bir tomonidan, byudjet daromadlarini (oqilona) shakllantirish, ikkinchi tomonidan, byudjet xarajatlarini (samarali) sarflash bilan bog‘liq” deb ko‘rsatadi [6].

### **TAHLIL VA NATIJALAR**

Mahalliy budjetlar umumdavlat iqtisodiy va ijtimoiy vazifalarini amalga oshirishda, birinchi navbatda, davlat mablag‘larini taqsimlash va ijtimoiy infratuzilmani rivojlantirishda muhim ahamiyatga ega. Ular mahalliy hokimiyatning faoliyat ko‘rsatishlarida moliyaviy manba bo‘lib, davlatning ijtimoiy siyosatini joylarda amalga oshirishda asosiy rol o‘ynaydi. O‘zbekiston Respublikasining mustaqillikka erishishi va ijtimoiy yo‘naltirilgan bozor iqtisodiyoti sari yo‘l tutishi

davrida budgetning va mahalliy budgetlarning respublikani ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishdagi roli yanada oshdi. Aholini ijtimoiy himoyalash maqsadida budgetdan ko‘p miqdorda mablag‘ talab qilinadi, ushbu mablag‘larni berish mahalliy budgetlar tomonidan amalga oshiriladi. Shunday ekan, mahalliy budget daromadlarini shakllantirish hozirgi bozor iqtisodiyotiga o‘tish davrida respublika va uning hududlarini rivojlantirishda muhim ahamiyat kasb etadi.

### **1-jadval.**

#### **Mahalliy budget xarajatlari [1]**

<b>Xarajat turlari</b>
Ijtimoiy soha va aholini ijtimoiy qo‘llab-quvvatlash xarajatlari
Iqtisodiyot xarajatlari
Qoraqalpog‘iston Respublikasi Vazirlar Kengashi, viloyatlar va Toshkent shahar hokimliklari buyurtmachi bo‘lgan markazlashtirilgan investitsiyalarni moliyalashtirish xarajatlari
Mahalliy davlat hokimiyati va boshqaruvi organlarini saqlab turish xarajatlari
Qoraqalpog‘iston Respublikasi respublika budgetining, viloyatlar viloyat budgetlarining va Toshkent shahri shahar budgetining zaxira jamg‘armalarini shakllantirish xarajatlari
Davlat yoki jamoat ehtiyojlari uchun er uchastkalarining olib qo‘yilishi munosabati bilan yuridik va jismoniy shaxslarga etkazilgan zararning o‘rnini qoplash xarajatlari
Qoraqalpog‘iston Respublikasi respublika budgetining, viloyatlar viloyat budgetlarining va Toshkent shahri shahar budgetining mablag‘lari hisobidan moliyalashtiriladigan tashkilotlar va tadbirlarning xarajatlari

Budget kodeksiga muvofiq Qoraqalpog‘iston Respublikasi budgeti, viloyatlar va Toshkent shahar mahalliy budgetlari balanslashtirilgan daromadlar va xarajatlarga ega bo‘lishi lozim. Qoraqalpog‘iston Respublikasi budgeti, viloyatlar va Toshkent shahar mahalliy budgetlari taqchilligiga yo‘l qo‘yilmaydi.

Hududlarning budgetini rejalashtirishda:

tovar ishlab chiqarish va bozor xizmatlari hajmi (doimiy va joriy narxda);

iqtisodiyot va ijtimoiy sohada bandlik soni;

asosiy fondlarning kirim va chiqim (doimiy va joriy narxda);

qo‘srimcha qiyomatni o‘z ichiga olgan holda ishlab chiqarilgan yalpi hududiy mahsulot (YaHM) hajmi;

narx ko‘rsatkichlari;

tovar ishlab chiqarish va bozor xizmatlari uchun xarajat tuzilmasi;

tovar ishlab chiqarish va bozor xizmatlarining umumlashgan ko‘rinishdagi (amortizatsiya, mehnat haqi, balans daromadi) moliyaviy ko‘rsatkichlari;

umumiy va soliq turlari bo‘yicha umum davlat va mahalliy budgetlar daromadlari; budgetdan tashqari fondlar daromadlarini qamrab oladi.

O‘zbekiston Respublikasining Budget kodeksi ishlab chiqilishi va amaliyotga tadbiq etilishi davlat moliyasini boshqarishning huquqiy asoslarini yanada takomillashtirishga, budget siyosatining ustuvor yo‘nalishlarini tartibga solishga, budget mablag‘laridan foydalanish samaradorligini oshirishga va davlat xizmatlari ko‘rsatish sifatini yanada yaxshilashga xizmat qilmoqda.

## 2-jadval.

### **2019-2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasi davlat budgetining (maqsadli jamg‘armalarsiz) xarajatlari [3]**

Ko‘rsatkichlar	2019 yil	2020 yil	2021 yil
<b>Xarajatlar jami</b>	<b>118 008,7</b>	<b>144 142,7</b>	<b>188 633,9</b>
1. Ijtimoiy xarajatlar	63 542,4	74 231,8	92 613,5
2. Iqtisodiyot xarajatlari	18 485,2	16 692,8	21 669,2
3. Investitsiya xarajatlarini moliyalashtirish	7 048,5	18 843,7	29 345,2
4. Davlat boshqaruvi, adliya va prokuratura va sud organlarini saqlash xarajatlari	5 315,0	7 826,4	8 481,7
5. O‘zini o‘zi boshqarish organlarini saqlash xarajatlari	701,1	817,7	1 037,1
6. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi, Qoraqalpog‘iston Respublikasi, viloyatlar, shahar va tumanlar budgetlarining zaxira jamg‘armalari	985,4	1 506,2	1 401,8
7. Davlat tomonidan NNT va fuqarolik jamiyatning boshqa inisitutlarini qo‘llab-qo‘vvatlash xarajatlari	37,8	47,5	95,6
8. Davlat qarzlariga xizmat ko‘rsatish va qoplash xarajatlari	1 089,2	1 816,4	2 238,2
9. Boshqa xarajatlar	20 804,1	22 360,3	30 901,8

Iqtisodiyot va moliya vazirligi ma’lumotlariga asosan, 2021 yil uchun Davlat budgeti xarajatlari 188,6 trln. so‘m miqdorida, shundan, respublika budgeti xarajatlari

122,9 trln.so‘m hamda mahalliy budgetlar xarajatlari 65,6 trln.so‘m miqdorida tasdiqlangan edi. Koronavirus pandemiyasining tarqalishi, karantin choralarining qo‘llanilishi 2020-2021 yillarda yuz bergan tabiiy ofat va texnogen avariylar Davlat budgeti xarajatlariga jiddiy o‘zgartirishlar kiritishni talab etdi. Davlat budgetining 2021 yildagi xarajatlari 188 633,9 mlrd. so‘mni yoki YaIMga nisbatan deyarli 26,0 foizni tashkil etdi.

### **3-jadval.**

#### **O‘zbekiston Respublikasi Davlat budgeti xarajatlarida mahalliy budgetlarning tutgan o‘rni [3]**

<b>Xarajatlar</b>	<b>Yillar</b>		
	<b>2019</b>	<b>2020</b>	<b>2021</b>
Davlat budgeti (mlrd.so‘m)	118008,7	144142,7	188257,1
shu jumladan:			
Respublika budgeti (mlrd.so‘m)	65959,0	96952,0	122722,2
Davlat budgetiga nisbatan salmog‘i (foizda)	55,9	67,3	65,2
Mahalliy budgetlar (mlrd.so‘m)	52049,7	47190,7	65534,9
Davlat budgetiga nisbatan salmog‘i (foizda)	44,1	32,7	34,8

Yuqoridagi ma’lumotlardan davlat budgeti xarajatlarining respublika va mahalliy budgetlar o‘rtasidagi nisbati yildan-yilga ortib borayotganini kuzatishimiz mumkin. 2019 yilda mahalliy budgetlar xarajatlarining davlat budgetidagi ulushi 44,1 foizni tashkil etgan bo‘lsa, 2020 yilga kelib qariyb 12 foizga pasayish kuzatilgan. Respublika budgetida esa buni aksi 55,9 foizdan 67,3 foizga yetgan. Davlat budgeti tarkibida respublika budgeti xarajatlarining ortishining asosiy sababi koronavirus pandemiyasi davrida sog‘liqni saqlash xarajatlarining ortishiga borib taqaladi. 2021 yilda esa mahalliy budgetlar hajmi 18 trln 344,2 mln so‘mga ortgan.

Mamlakatimizda makroiqtisodiy muvozanat va barqaror iqtisodiy o‘sishni saqlab qolish, davlat budgeti balansliligi va barqarorligini ta’minalash, davlat qarzining asossiz oshishiga yo‘l qo‘ymaslik, aholi daromadlari va turmush darajasini yanada yuksaltirishni ta’minalash, chuqur tarkibiy o‘zgartirishlar hamda ijtimoiy infratuzilmani rivojlantirishga qaratilgan faol investitsiya siyosatini yuritish, budgetlararo munosabatlarni takomillashtirish, hududlar daromad bazasini oshirish hamda mahalliy budget xarajatlarini optimallashtirish hisobiga subventsiya oluvchi hududlar sonini qisqartirishdek muhim yo‘nalishlarga qaratilgan islohotlar amalga oshirilmoqda.

### **MUHOKAMA**

Tadqiqotlar asosida, mahalliy darajada budget jarayonini takomillashtirishning asosiy vositalari sifatida quyidagilarni qayd etish maqsadga muvofiqliqdir:

1) barcha darajadagi budgetlar uchun o‘rta muddatli va natijaga yo‘naltirilgan budgetlashtirish tamoyillarini qonuniy asosda mustahkamlab quyish;

2) moliyaviy resurslarning hokimiyatning yuqori pogonasida maksimal kontsentratsiyalashuvi faqatgina davlat budgeti kurilishining zaruriy boskichi ekanligini tan olish. Moliyaviy sohada barqarorlik hamda samarali jamlanish va mablag‘larni taksimlovchi hujjat sifatidagi budgetga yondashuvlarning o‘zgarishi yakunda budget tizimining markazlashganlik darajasining yanada pasayishiga va budgetlar mustaqilligining ortishiga olib kelishi lozim;

3) barcha darajadagi budgetlarni nazorat qilishning amaliy tizimini ta’minlash. Bu nazorat-taftish organlarining adekvat tizimini yaratishni nazarda tutadi;

4) aynan mahalliy budgetlardan boshlab budget shaffofligini ta’minlash. Bu ish nafaqat budget tugrisidagi (shaffoflikni hozirgi kun nuqtai nazaridan tushunish) qonunlarni chikarish, balki fukarolarning batafsil ma’lumotlar (o‘quv dasturlari, hokimiyat organlari moliyasini o‘rganishga maktablardan boshlab maqsadli grantlar ajratish, hududning moliya tizimini eng yaxshi bilimdonligiga tanlovlар e’lon qilish)ga ega bo‘lishga qiziqishlarini rag‘batlantirish, budget ijrosi holati va sifati tugrisida ommaviy ma’ruzalar va diskussiyalar o‘tkazish.

## XULOSA

Ushbu maqolada yoritilgan fikrlardan kelib chiqib aytish mumkinki, mahalliy budgetlar mikyosida natijaga yunaltirilgan o‘rta muddatli budgetlashtirish mexanizmini amaliyatga tatbiq etish bizga joriy budgetlashtirish tizimida mavjud bo‘lib kelayotgan yuqorida ko‘rib chiqilgan kuplab muammolarni hal etish imkonini yaratadi. Umuman olganda, davlat budgetini o‘rta muddatli rejalashtirishni joriy etish bizga bir qator afzalliklar olib keladi va buni natijaga yunaltirilgan budgetlashtirishni tashqil etish hamda davlat budgetini o‘rta muddatli rejalashtirishni hududlarda tashqil etish amaliyotini o‘rganish orqali tadqiq etdik.

## ***FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI***

1. *O‘zbekiston Respublikasi Budget kodeksi. 2013 yil 26 dekabr*
2. *O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirining 2018 yil 11 maydagi “O‘zbekiston Respublikasi Davlat budgeti pul mablag‘larini cassali rejalashtirish va boshqarishni amalga oshirish bo‘yicha hujjat shakllari va ularni taqdim qilish tartibi to‘g‘risida”gi yo‘riqnomasi*
3. *<https://openbudget.uz/> - O‘zbekiston Respublikasining "Ochiq budget" portal ma’lumotlari*
4. *Фишер С., Дорнбуши Р., Шмалензи Р. Экономика. Пер. с анг. – М.: Дело ЛТД, 1993. С.512.*

5. Самуелсон П. Экономика Т.1. пер. с анг.- М. Республика, 1993
6. Борисов Йе.Ф. Экономическая теория. – М.: Юрист. 1997. С. 505.
7. Malikov T.S. *Byudjet-soliq siyosati / T.S.Malikov, P.T.Jalilov; T.S.Malikovning umumiy tahriri ostida, O'z.R. Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, TMI.-T.Akademnashr, 2011.-6-bet.*

## МАМЛАКАТИМИЗДА ТАШҚИ САВДО ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

**Алимардонов Элшод Дилшодович**

ТМИ, “Халқаро молия-кредит” кафедраси доценти  
иктисодиёт фанлари номзоди  
E-mail: [alimardonoved@gmail.com](mailto:alimardonoved@gmail.com)

**Туляганов Умиджон Сабиржонович**

БМА магистранти

### **АННОТАЦИЯ**

Уибү мақолада мамлакатимизнинг ташқи савдо операцияларини амалга оширилиши ва уларни бошқаришида ташкилий-иктисодий механизмларни тутгани ўрни, объектив зарурлиги, функционал вазифалари ва мамлакат савдо баланси тақчилигини камайтириши истиқболлари ёритиб берилган.

**Калим сўзлар:** ташқи савдо операциялари, экспорт, импорт, реэкспорт, реимпорт, савдо баланси.

### **DEVELOPMENT TENDENCIES OF FOREIGN TRADE OPERATIONS IN OUR COUNTRY**

### **ANNOTATION**

In this article, the role of organizational and economic mechanisms in the implementation of foreign trade operations of our country and their management, objective necessity, functional tasks and prospects for reducing the country's trade balance deficit are highlighted.

**Key words:** foreign trade operations, export, import, management of foreign trade operations, re-export, re-import, trade balance..

### **КИРИШ**

Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан кўриш мумкин-ки, мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий тараққиётини таъминлашда ташқи савдо операциялари муҳим ўрин эгаллайди. Иктисодиётга инновацион фан-техника ютуқларини кенг миқёсда жорий этилиши, арzon ишчи кучи ва хом-ашё ресурсларига бўлган эҳтиёжининг тобора ортиб бориши натижасида мамлакатларнинг ташқи иктисодий фаолияти дунё иктисодиётига интеграциялашув жараёнлари янада

кучаяди. Ушбу интеграция жараёнрининг марказида ташқи савдо операциялари ётади ҳамда уларни самарали бошқарилишида намоён бўлади. Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувини янада қучайтиришда ташқи савдо операциялари ҳажмини кенгайтириш ва уларнинг ташкилий-иктисодий бошқаруви ижросини таъминлаш мамлакатимиз халқаро иқтисодий муносабатларида муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизни халқаро савдо операцияларини ҳажмини кенгайтириш ва халқаро иқтисодий интеграция жараёнларидани иштирокинини такомиллаштириш Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Тараққиёт стратегиясида акс этирилган. Стратегиянинг 97-мақсади “Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш ва Евросиё Иқтисодий Иттифоқи билан интеграция жараёнларини чуқурлаштириш” деб номланиши ва айнан халқаро иқтисодий глобаллашув жараёнларига киришишини янада тезлаштиришга эътибор қаратилган [1].

## МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Иқтисодий глобаллашув шароитида мамлакатимизнинг ташқи иқтисодий фаолияти, ҳамкор мамлакатларнинг иқтисодий-сиёсий жараёнларидаги кузатилаётган ўзгаришлар ҳамда унинг ривожланиш хусусиятлари, ташқи иқтисодий фаолиятга таъсир этувчи ишлаб чиқариш, ишчи кучи ва капитал каби омиллар кўплаб хорижий иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилган. Ташқи савдо назариясининг оталари, классик иқтисодчи олимлар А.Смит ва Д.Рикардолар ўз тадқиқотларида халқаро айрибошлишнинг асосий иқтисодий назарияларига бағишлиланган бўлса, бошқа қатор иқтисодчи олимлар ташқи иқтисодий фаолият ва халқаро савдони ривожлантиришнинг замонавий ривожланиш тенденциялари ва хусусиятларини ўрганишган [2].

Е.Helpman халқаро савдонинг ривожланиш тенденцияларининг асосий хусусиятлари, халқаро савдода мамлакат экспорт рақобатбардошлигининг интенсив ва экстенсив чегаралар билан муносабатларини тадқиқ этган ҳолда халқаро савдонинг замонавий моделларини ишлаб чиқкан [3]. Рус иқтисодчи олимлари Е.Звонова ва А.Кузнецовлар ташқи иқтисодий муносабатларини ривожлантиришда юзага келувчи глобал номутаносибликлар ҳамда уларни тартибга солиш, шунингдек ташқи савдонинг ривожланишига таъсир кўрсатувчи турли хилдаги божхона тўсиқларини юмшатиш ва бартараф этиш бўйича тадқиқотларини олиб боришган [4].

Маҳаллий иқтисодчи олимларидан Л.Мингишов илмий изланишида халқаро рақобатлашув шароитида самарали ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этиш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан самаралироқ фойдаланиш, экспорт

рақобатбардошлигини ошириш борасида илмий тадқиқотлар олиб борган ҳолда ташқи савдони ривожлантириш йўналишларини тадқиқ этган [5].

## ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Ташқи савдо операциялари мамлакат ҳудудида ишлаб чиқарилган товарлар ёки ишчилар томонидан кўрсатилувчи хизматларни чегара орқали сотиш (экспорт) ёки сотиб олиш (импорт) бўйича тузулувчи шартномаларни ўз ичига олади. Ўз навбатида, бундай операциялар чет элда рўйхатдан ўтган товар ёки хизматларни бошқа мамлакатларда сотиш ва олиб ўтиш бўйича тижорат фаолияти экспорт ва чет элда ишлаб чиқарилган товар ёки хизматларни улардан фойдаланиш учун харид қилиш ёки миллий бозорда сотиш мақсадида мамлакатга олиб кириш импорт деб номланади.

### 1-жадвал

#### Ташқи савдо айланмаси ва баланси (январ-декабр, млн. АҚШ доллари) [6]

Кўрсаткичлар	2021 й.	2022 й.	Ўсиш суръати, фоизда	Жамига нисбатан фоизда
Ташқи савдо айланмаси	42 071,6	50 008,4	118,86	-
<b>Экспорт</b>	<b>16 610,6</b>	<b>19 309,1</b>	<b>116,25</b>	<b>100</b>
товарлар	9 953,4	11 094	111,46	57,45
хизматлар	2 547,4	3 959,5	155,43	20,51
олтин	4 109,8	4 255,6	103,55	22,04
<b>Импорт</b>	<b>25 461,0</b>	<b>30 699,3</b>	<b>120,57</b>	<b>100</b>
товарлар	23 724,2	28 172,9	118,75	91,77
хизматлар	1 736,8	2 526,3	145,46	8,23
<b>Салдо</b>	<b>-8 850,4</b>	<b>-11 390,2</b>	-	-
Экспорт (олтинни ҳисобга олмагандан)	12 130,4	15 053,5	124,1	-

Мамлакатимизнинг ташқи иқтисодий фаолияти, хусусан ташқи савдо алоқалари миллий иқтисодиёт тармоқлари ривожига таъсир этувчи асосий омиллардан ҳисобланади. Ташқи савдо айланмаси 2022 йил якуни бўйича жами 50 млрд. АҚШ долларини ташкил этган ҳолда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7,93 млрд. АҚШ долларига ёки 18,86 фоизга кўпайди. Ўтган йилдагига нисбатан ташқи савдо айланмасининг ошиши мамлакатимизда ташқи савдо

муносабатларини ривожлантириш, хусусан экспортёр корхоналарни қўллаб-куватлашга қаратилган чора-тадбирларнинг фаол равища амалга оширилганлиги билан изоҳланади (1-жадвал).

Шунингдек, мазкур даврда ташқи савдо айланмаси таркибида экспорт ҳажми 19 309,1 млн. АҚШ долларини ташкил этган ҳолда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 16,25 фоизга кўпайган. Жами экспорт таркибида товарлар улуши 57,45 фоизни, хизматлар 20,51 фоизни ва олтин 22,04 фоизни ташкил этган ҳамда товарлар ва хизматлар экспорти ҳажми ўтган йилдаги кўрсаткичга нисбатан мос равища 11,46 ва 55,43 фоизга, олтин экспорти эса атиги 3,55 фоизга кўпайган.

Жами импорт ҳажми 30 699,3 млн. АҚШ долларини ташкил этган ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 20,57 фоизга кўпайган, лекин шундай бўлсада 2022 йилнинг январ-декабр ойларида мамлакатимиз ташқи савдо айланмаси таркибида импорт ҳажми экспорт ҳажмига нисбатан юқори бўлиб мазкур ҳолат ташқи савдо салдоси салбий 11 390,2 млн. АҚШ долларига тенг бўлишига олиб келган. Жами импорт ҳажмида юқори улуш (91,77 фоиз) товарлар ҳиссасига тўғри келган.

Импорт таркибида энг катта улуш, машиналар ва транспорт асбоб-ускуналари (31,4 фоиз), саноат товарлари (18,8 фоиз) ҳамда кимёвий воситалар ва шунга ўхшаш маҳсулотлар (13,8 фоиз) ҳисобига тўғри келди. Шу боисдан импорт таркибида юқори улушни ташкил этувчи маҳсулотларни миллий иқтисодиётда ишлаб чиқариш бўйича саноатдаги таркибий ислоҳотларни давом эттириш ва фаоллаштириш мақсаддага мувофиқ.

## МУҲОКАМА

Сўнгги йилларда ташқи савдо операциялари ҳажмини кенгайтириш, янги фан-техника ютуқларини жалб этган ҳолда сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эътибор қаратилиши натижасида ташқи савдо операцияларини бошқаришда камчиликлар кузатилмоқда ва савдо балансининг дефицит ҳолати кескин ошиб бормоқда. Хусусан, 2018 йилда ушбу кўрсаткич 5448,5 млн. долларни ташкил этган бўлса, 2022 йилга келиб ыарийб икки баробарга ортиб, 11,4 млрд долларга етди [6]. 2018–2022 йиллар оралиғида ташқи савдо баланси дефицитининг пасайиш ҳолати коронавирус пандемиси даврида, яъни 2020 йилда кузатилган. Умуман олганда, короновирус пандемияси кузатилган йилни инобатга олмасак Ўзбекистоннинг импорти экспортга қараганда йилдан-йилга кўпайиб борган.

Ҳар бир мамлакат ташқи савдо операцияларини амалга оширишда мамлакатда юқори қўшилган қийматга эга бўлишни истайди ва маҳсулотларни

ишлаб чиқаришда асосий урғуни ушбу йўналишга қаратади. Дунёнинг барча мамлакатлари жаҳон бозори конъюнктурасининг ўзгаришларига дош берувчи, узоқ муддат мобайнида ўз харидорини топувчи маҳсулотларни ишлаб чиқаришга мўлжалланган стратегиясини ишлаб чиқиши табиий ҳолат ҳисобланади.

## ХУЛОСА

Хулоса ўрнида, юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқкан ҳолда, Ўзбекистоннинг яқин истиқболдаги тараққиёти жараённида маҳаллий бюджетларнинг даромадлари мутаносиблигини таъминлашга қўйидагича ёндашиш борасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

- худудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ва самарали бошқарувига эришиши ҳамда даромадларни оширишда маҳаллий бюджетлар даромадларини тенглаштиришнинг ижобий таъсир доирасининг кенгайишига эътиборга қаратиш;
- бюджет трансферлар тизими маълум мезонлар асосланиши, шаффофлигини таъминлаш зарур.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўхрисида”ги 60-сонли Фармони
2. Рикардо Д. Начала политической экономии и налогового обложения. Избранное / Д. Рикардо. - М.: Эксмо, 2007. 960 с.
3. Хеллман Э. Понимание мировой торговли. М.: Изд-во Института Гайдара. 2017. 312 с.
4. Звонова Е., Кузнецов А. Наднациональные подходы к регулированию глобальных финансовых дисбалансов. //Мировая экономика и международные отношения, 2017, № 6
5. Атаниязов, Ж. X., & Алимардонов, Э. Д. Халкаро молия муносабатлари» Тошкент-2014. УФМЖ., Дарслик, 279, 280.
6. Мингишов Л.Ў. Ўзбекистоннинг экспорт рақобатбардошлигини оширишининг асосий йўналишилари: Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Ph.d) дисс. автореферати – Тошкент. 2018. - 24 б.
7. [www.stat.uz](http://www.stat.uz) – Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитасининг расмий сайти

## ФАРЗАНД ТАРБИЯСИДА ОТАНИНГ РОЛИ ВА УНИНГ ИЖТИМОИЙ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Отажонова О.А.,

психолог фанлари номзоди К.Бекзод номидаги  
Миллийрассомлик ва дизайн институти доценти

Абдуллаева Н.И.,

К.Бекзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн  
институти ПТ.АСАТ Факултети З-bosкич талабаси.

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада оиласи ота-оналар ҳамда уларнинг ўсмирилик ёшидаги фарзандларидағи шахсий ҳамда гендер идентификациянинг ўзаро боғлиқ жиҳатлари ўрганилганлиги хақида сўз боради

**Калим сўзлар:** жинсий идентификация, гендер роли, оиласи ўзаро муносабатлари, гендер стереотиплар

### АННОТАЦИЯ

*В данной статье исследуются взаимосвязь аспектов личных и гендерных идентификаций между родителями и их детей подросткового возраста.*

**Ключевые слова:** половая идентификация, гендерная роль, внутрисемейных отношений, гендерные стереотипы

### ABSTRACT

*This article explores the relationship between aspects of personal and gender identities between parents and their adolescent children.*

**Keyword:** gender identification, gender role, intra-family relationships, gender stereotypes

Ота - оила бошлиги , оила устуни. Бу сўз ҳар бир ўзбек оиласи учун қабул қилинган ижтимоий норма , яъни ўзимиз тўғри деб билган ва ҳеч қандай эътиrozсиз қабул қилган меъёрларимиздир. Ана шу меъёрни ушлаб туриш учун эса, аввало ота ролини бажариш, уни маромига етаказа олиш, ҳар бир эркакдан катта маъсулият ва оталик илмини талаб этади .Чунки унинг ҳар бир ҳатти-ҳаракати бола кўз ўнгига намоён бўлади ва ўз навбатида фарзандларига ота қандай бўлиши кераклигини таъкидлаб боради.

Ҳадиси шарифда “Отадан қолгувчи мерос унинг ҳулқидир “деган ҳадис бор. Аҳамият беринг, ота ўзидан кийин фарзандига фақат ҳулқини мерос қолдира оларкан. Демак у ота бўлган қунидан бошлаб фарзанди учун ўз феъл атворини ижобий томонга буриши, ўзидаги қусур ва камчиликларни йўқотишга киришиши, келажакда шу фарзанди комил инсон бўлиб вояга етишини кафолатлади.

Ота фарзанди учун тинмай ишлайди, елиб югуриб рўзғорга ризқ – рўз келтиради. Оиладаги бокувчилик ролини биринчи вазифа ва бурч деб билади. Оилада вояга етаётган фарзанд учун эса, ота оиланинг иқтисодий жиҳатдан таъминловчиси эканлиги табиий қабул қилинади. Оилада қарорни ота чиқариши ва бошқа оила аъзоларининг унга итоат этиши, бизнинг ўзбек оилалари учун ижобий ҳолат сифатида эътироф этилади. Аёлнинг ўз турмуш ўртоғини болаларининг кўз ўнгida ҳурматини жойига қўйиши, яъни оила бошлиғи бўлмиш отанинг обрўсини фарзандлари тарбияси учун ижобий таъсир кўрсатишини англаған ҳолда, муносабатларни ташкил этиши фарзандларнинг оила ҳақидаги ижтимоий тасаввурлари шаклланишида ижобий таъсир кўрсатади. Лекин бунинг акси бўлса, ота оиладаги оталик маъсулиятини чукур ҳис қилмаса, оиладаги мавқеи ҳақида ўйламаса ёки ҳаракат қилмаса, демакки бундай оилада мувозанат бузилади. Болаларда отага нисбатан ишонч, ғуурланиш ҳисси сўниб боради. Бу ҳолат айниқса, ўғил болалар психологиясига салбий таъсир кўрсатади. Чунки ўғил бола учун унинг отасидан кучли отасидан ақлли инсон йўқ бу ҳаётда. Ўсмир ёшига етган болаларда бу ҳолат айниқса кучли сезила бошлайди.

Ўсмир ёшдаги ўғил болалар оталари билан мулоқот қилишни, улар билан турли мавзуларда суҳбат қуришни қалбан ҳоҳлайдилар ва шунга эҳтиёж сезадилар. Ота бу вактда дўст – суҳбатдош сифатида муносабатга киришса, бола ўз отасини ўзига энг яқин инсон сифатида қабул қилади ва ўз режа ва истакларини отасига очиқ баён эта олади ва ҳатто уни қийнаётган муаммоларни ҳам унга айтишга журат топади. Бунинг учун ота нафақат оила бокувчиси, балки ҳар бир оила аъзосининг яқин дўсти ва суҳбатдоши бўла олиши керак. Отада болани тинглаш ва уни ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда муомила маромларини ташкил эта олиш ва ҳар бир фарзандини ҳис- кечинмаларини тушуна олиш қобилиятига эга бўлиши керак. Биз ҳаётда кўплаб ютуқларга эришишимизнинг омилларидан бири бу бизнинг яхши тингловчи бўла олишимиз билан ҳам белгиланади.

Шундагина бола оиладан ташқаридан ўзи яхши билмаган ва танимаган инсонлар билан яқин муносабатларга киришишга эҳтиёж сезмайди.

Отанинг онага муносабатига қараб эса, қизлар одатда ўзини келажакда

турмуш ўртоғига нисбатан қандай тутишини ўрганиб боради. Ўғил болалардаги жинсий тарбиясида ҳам шунга ўхшаш тамойил устивор бўлади, яъни, у ҳам ота - оналар ўзаро муносабатларига мос тарзда ўзини келажақда оила бошлиғи, эр ролига ҳамда онасининг юриш-туриши ва фарзандларга муносабатига қараб, оталик ролига руҳан тайёrlаб боради.

Биз текширган эркак респондентларда юқори кўрсатгичларда мослашувчанлик, мулоқот қобилияти, ирода, ўзига ишонч билан тўғри қарорлар чиқаришга ва муваффақият қозонишга мойиллик, ўзига нисбатан хурмат, бошқаларни тушуниш, киришимлилик, шу билан биргалиқда агрессивлик, авторитарлилик воситасида турмуш ўртоғига таъсир кўрсатишга интилишлари маълум бўлди. Бундай установкаларнинг турмуш ўртоқларида қандай таъсир қилиши, энг муҳими – шу оилада бола онгига нечоғли таъсири масаласи ижтимоий-психологик нуқтаи назардан ўта муҳимдир. Иккинчи томондан, махаллий муҳитимиздаги оилавий муносабатлар анъаналарига кўра, айнан эркаклардаги бу сифатлар уларнинг фарзандлари ва турмуш ўртоғи олдидағи мақомини кўтарувчи омил сифатида қаралишини ҳам унутмаслик лозим. Нима бўлганда ҳам айнан шу маскулин сифатлар муайян маънода бизнинг тасаввурларимиздаги гендер стереотипларнинг асосидир.

Олинган натижалар оилавий муносабатлардаги лидерлик масаласига оид гендер тасаввурларидаги муайян поляр фарқлар борлигини кўрсатди. Чунки аёллар кўпроқ жавоблари билан ўзларида фрустрацион ҳамда шерикчиликни афзал кўрувчи лидерликка мойил эканликларини, эркаклар эса ўзларида мажбуран акс этадиган, намойишкорона лидерлик ҳамда агрессив лидерлик хислатларига эга эканликларини билдирилар. Бундан ҳали айнан улар ўз оилаларида шундай лидерликни намоён этади, деган хулоса келиб чиқмайди, чунки реал ҳаётда айнан аёлларга хос бўлган мажбуран лидерлик типи умуман лидерликка, оиладаги барча муносабатларда етакчи бўлишга даъвогарлик қилмайди.

Шунга қарамай, биз аёлларнинг аксарияти оилавий ўзаро муносабатларда агрессив лидерликдан қочишилари, шахсий магнетизм ва мажбурий лидерликдан вақти-вақти билан фойдаланишни афзал кўришларини аниқладик. Эркаклар жавоблари таҳлилида эса айнан аёллар жавобларига хос бўлмаган лидерлик шакллари кўпроқ намоён бўлмоқда, яъни, улар меҳр-муҳаббат ва ўзаро келишув асосида оилавий муносабатларни мувофиқлаштиришдан кўра, очик мажбурий (тайзикли) лидерлик ҳамда керак бўлса, агрессив лидерликни намоён этишга мойил ва тайёроқ эканлигини кўрсатди.

Демак шарқ эркакларига хос бўлган оилада етакчиликка мутлоқ даъвогарлик ҳали-ҳануз эркакларнинг ижтимоий установкаларининг когнитив

соҳаларида сақланиб қолган. Тўлиқ оила мұхитида ҳамкорлик ва шерикчиликка асосланған эр-хотин муносабатларидаги эркакнинг ўрни ва роли ҳам ўғил болада эркак жинсига оид идентификацион сифатларнинг намоён бўлиши ва шаклланишига мақбул шарт-шароит сифатида роль ўйнаши мумкин. Эркакнинг фаол ва етакчи мавқеи, ундаги лидерликнинг сифати ва туридан қатъий назар, қиз болада истиқболда оиласи муносабатларда замонавий аёл-она образига эга бўлиш ва гендер муомала маромларини аниқ тасаввур этишга имкон беради.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Бендас Т.В. Уровень организованности групп и проблема лидерства (на примере студенческих групп). - Л., 1981.
2. Бендас Т.В. Психология лидерства: Гендерный и этнический аспекты. – СПб, 2002 – 216 .
3. Каримова В.М. Оиласи ҳаёт психологияси. - Т., 2006 – 142 б.

## MUQIMIY IJODIY MERO SINING IQTISODIY AHAMIYATI

**Shamsitdinova Xonzoda Mardonbek qizi**  
TDIU  
[xonshams@gmail.com](mailto:xonshams@gmail.com)

### ANNOTATSIYA

*Ushbu maqola o‘zbek demokratik adabiyotining yirik namoyondalaridan biri bo‘lmish Muhammad Aminxo‘ja Muqimiyning ijodiy merosini o‘rganishga qaratilgan. Shuningdek, uning bir qancha asarlari tahlil qilingan va Muqimiyning ilmiy-badiiy merosini puxta o‘rgangan bir qancha adabiyotshunoslarning fikrlari o‘rganilgan.*

**Kalit so‘zlar:** *Muqimiy, asarlari, demokratik yo‘nalish, muxammas, g‘azal, murabba, aruz.*

### **Kirish**

Serqirra ijodkorlardan biri bo‘lmish Muhammad Aminxo‘ja Muqimiy 19-20-asrlarda insoniyatning ongini oshirish va jamiyatning ijtimoiy rivojlanishiga o‘zining kata hissasini qo‘sghan shoirlardan biridir. Ayniqsa, bu davrda Qo‘qon adabiy muhiti alohida o‘ringa ega bo‘lgan va bu davrni biz Muqimiy, Zavqiy, Furqat, Xaziniy kabi adiblarsiz tasavvur qila olmaymiz. Muqimiyning hayot yo‘liga nazar solsak, u juda oddiy va sodda, faqirlikda hayot kechirgan bo‘lsada, ma’naviy jihatdan juda ham boy edi desak mubolag‘a bo‘lmaydi. Muqimiyning adabiyotga qiziqishi yoshlik cho‘gidanoq boshlangan va bunga uning onasi sababchi bo‘lgan.

Moddiy muhtojlik tufayli uning oilasi buzilgach, butun umrini ijodga, she’riyatga bag‘ishladi. Muqimiyning har bir ijod namunasi o‘z-o‘zidan paydo bo‘limgan, ya’ni u yashab o‘tgan davrda yurtimiz chor mustanlakasida edi va bu holat jamiyatning siyosiy- ijtimoiy hayotiga o‘zini salbiy ta’sirini o‘tkazmay qolmadidi. Naijada esa, insoniyat o‘z dinidan, urf-odatlaridan tobora uzoqlashib, jamiyatdaadolatsizlik, munofiqlik, poraxo‘rlik, oddiy aholiga zulm o‘tkazish kabi illatlar avj oldi. Aynan shuning uchun ham , oddiy bir kambag‘alni gapini hech kim eshitmadidi va shu bilan Muqimiy ijod qilishga ahd qildi.

### **Adabiyotlar tahlili**

Bir qancha adabiyotshunos olimlar Muqimiyning hayoti va ijodiy merosini o‘rganib tadqiq qilishgan. Bundan tashqari, Muqimiyning bir nechta asarlarini to‘plab nashr ettirishgan va Muqimiyga bag‘ishlab maqola, risola, bayoz hamda monografiyalar yozishgan va tahlil qilishgan.

Uning har bir yaratgan ijodiy merosiga nazar solsak, atrofda bo‘layotgan hodisalarga jimgina qarab tura olmay ularni tanqidiy yo‘l bilan jonlantirishga uringaniga, aholining dod- voylarini , faryodlarini gavdalantirganligini , Mansabdor shaxslarning qay darajadaadolatsiz siyosat olib borayotganligini ko‘rsatgan .

Birinchi bo‘lin Ostroumov “ Devon Muqimiy” to‘plamini 1907- yilda nashr qilgan va 1912- yillarda “ devoni Muqimiy maa hajviyot” nomli asarlar to‘plami bosib chiqarilgan.

G‘afur Gulom “ Muqimiy bayozi”ni tayyorlab 1938-yilda nashr qildirgan . Bundan tashqari, Hamid Olimjon, Uyg‘un kabi shorilarimiz ham Muqimiyning hayoti va ijodini o‘rgangan holda, bir qancha maqolalr yozishgan.

Taniqli adabiyotshunos G‘ulom Karimov esa Muqimiy hayoti va ijodi haqida doktorlik dissertatsiyasini yoqlagan va 1960 –yilda Muqimiyning 2 tomlik asarini chop ettirgan

Shoir va drammatura Sobir Abdulla ham uning ijodini o‘rganishda o‘zning musosib hissasini qo‘sib “ Muqimiy” nomli musiqali drama yaratdi va “ Mavlono Muqimiy” asarini e’lon qildi.

Umuman olganda Muqimiyning hayot yo‘lini o‘rganish hali hamon to‘xtagani yo‘q. Istiqlol yillariga kelib, adabiy merosimizni xolis o‘rganishga keng imkoniyat yaratildi hatto, Muqimiyning merosini o‘rganishda professor va iqtidorli talabalar uchun “ Muqimiy” nomidagi stipendiya va ko‘krak nishoni ham ta’sis etildi.

## Taxlil va natijalar

Shoiring ko‘pgina she’rlarini qo‘sish qilib kuylashgan. Bularga misol qilib , “Muncha ham”, “ Yolg‘uz”, “Kim desun”, “Ayrilmasun”, “Yodimga tushdi” kabi she’rlari fikrimiz na’munalaridir. Uning “Bachchag‘ar”, “Loy”, “Tanobchilar”, “Avliyo”, “Pashshalar”, “Hajvi Viktor”, “Bezgak” kabi humoristik she’rlari hamda o‘zbek adabiyotida yangilik bo‘lgan “Sayohatnama “ asari ham shoir ijodini naqadar yuksakligiga guvoh beradi.

Muqimiyning birgina “Tanobchilar” she’ri ham Qo‘qondagi qurilishda ishlab yurgan kezlarida o‘z ko‘zi bilan ko‘rgan holatni tasvirlaydi va hajviyot ila buni yanada ochib bergen. Bu uning eng mashhur satiralaridan biri hisoblanadi.

Bo‘ldi taajjub qiziq hangomalar,

Arz etayin emdi yozib nomalar.

Adl qulog‘ila eshit holimi ,

Zulm qilur baski, menga zolimi.

Adibning, bu hikoyasida amaldorlarning zug‘miga duch kelgan dehqonlarning faryodlari va o‘sha davrning ijtimoiy- iqtisodiy hayoti tasvirlangan.

Sulton Ali Xo‘ja, Hkimjon ikav,

Biri xotun, birisi bo‘ldi kuyav.  
Ikkalasi bo‘ldi chunon ittifoq ,  
Go‘yo xayol aylaki, qilmay nifoq.

Bu satrlardan boshlab esa ma shu ikki amaldorlarning har o‘n ikki oyda kelib aql bovar qilmaydigan darajada ,aholini qiynab tanob yi‘g‘ib ketishlariadolatsizliklari tasvirlangan. Bu ikkiyuzlamachi amaldorlar o‘z manfaatlari yo‘lida xalqdan foydalanganlar hamda jirkanch maqsadlariga erishish uchun hech narsadan qaytmaganlar. Kezi kelganda dushman , ishlari tushganda esa bir birlariga aka-ukadan ham yaqindeklar go‘yo. Bundab tashqari, bu ikki kishining juda naqtanchoq, ezma shaxs sifatida gavdalantirgan va buning natijsida xalq qay darajada qiynganganligi namoyon qilingan.

“Maskovchi boy” satirasiga kelsak, bu tasvirda shoir tarixiy realikka ega bo‘lgan mavzuni tanqidiy ruhda ochib bergan. Ya’ni o‘sha davrda boylardan bo‘lgan rus kaoitalistlari va banklardan juda kata miqdorlarda kredit olgan holda, o‘z ishlarini , mubolag‘a qilib aytganda o‘z zavod-fabrikalarini yuritganlar. Shakllangan burjuaziya rus kapitalistlari bilan raqobatga kirardi va ko‘pincha kapitalistlar yengilardilar. Mana shu hodisalar Hodixo‘ja Eshon misolida tasvirlangan. Quyidagi misralar ila boshlangan.

Hikoyat qilay, turfa davron ekan,  
Xaloyiq hama mavhu hayron ekan,  
Chiqib yangi maskovchidin boylar,  
Sinar o‘tnayin bazisi oylar.  
Xususanki, eshoni Hodixo‘jam.

### Xulosa

Muhammad Aminxo‘ja Muqimiyning zabardast shoirligi shundaki, uning ijodi real voqealarga asoslangan, xalqchil va endigina paydo bo‘layotgan katta ijtimoiy kuchni ko‘ra olgan va mohiyatini tushungan. Qisqacha aytganda, ishchilar sinfi va uningevolyutsiyasi , qolaversa asarlarida tanqidiy, hajviyot yo‘li bilan muammoning nafaqat ijtimoiy , balki iqtisodiy tomonlarini ham ko‘rsatib bera olgan va ana shu kichik ammo, dolzarb bo‘lgan bir epizodi bilan o‘zbek adabiyoti tarixida birinchi qadamni qo‘ydi. Hatto, uning ijodiy merosida tanqid ostiga olgan iqtisodiy muammolaribugungi kunda ham o‘z ahamiyatini yo‘qotmaganligi taqsinga loyiqdir.

***FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR***

1. Mxmudov N.M , Avazov N.R. “Muqimiyning iqtisodiy qarashlari”. Ilmiy risola. –T. “Iqtisodiyot”, 2021.- 56 bet.
2. O’zbekiston milliy ensiklopediyasi. Davlat ilmiy nashriyoti. Toshkent.
3. Muqimiy she’riyati matnida “g’oyaviy tahrir” masalasi // Oltin bitiklar.- Toshkent,2018. – No 1. – 88-97.

## МАДАНИЙ МЕРОС - ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИ СИФАТИДА

**Установа Умида Агзамходжаевна**

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти “Ижтимоий фанлар, педагогика ва қасбий таълим” кафедраси мудири, фалсафа фанлари номзоди, доцент.

**Сабурова Янгилжон Икрам қизи**

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаси.

### **АННОТАЦИЯ**

*Мақолада маданий мерос жамият тараққиётини, инсон камолотини, халқимизнинг авлоддан-авлодга ўтиб келаётган маънавий қадриятлари ва анъаналарини мустаҳкамлайдиган омил эканлиги таҳлил қилинган.*

**Калим сўзлар:** маданий мерос, жамият, масжид, мадраса, обида, аждодлар, қадрият.

### **CULTURAL HERITAGE IS THE BASIS OF SOCIETY'S DEVELOPMENT**

### **ABSTRACT**

*The article analyzes the fact that cultural heritage is a factor that strengthens the development of society, human maturity, and the spiritual values and traditions of our people are passed down from generation to generation.*

**Keywords:** cultural heritage, society, mosque, madrasah, monument, ancestors, value.

*“Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асраига мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат мухофазасидадир”.*

*(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 49-модда)*

## КИРИШ

Мустақил Ўзбекистон Республикаси ўз тараққиёт йўлини белгилаб олар экан, адолатли фуқаролик жамияти ва демократик хуқуқий давлат - Янги Ўзбекистон қуришдек олий мақсадни ўз олдига қўйди. Бу олий мақсад асосий Қомусимиз ҳисобланган Конституцияда ўз аксини топган.

Халқимиз ўз тараққиёт йўлини Конституция асосида белгилаб, ёрқин келажак сари дадил интилмоқда. Буюк аждодларимизнинг номини тиклаш, улар билан боғлиқ жойларни ободонлаштириш миллий-маданий сиёсатимизнинг таркибий қисмига айланди. Буюк аждодларимизнинг азиз номлари тикланиб, уларнинг мақбаралари, масжидлар, мадрасалар, ансамбллар таъмирланди, айримлари (Имом ал-Бухорий, Нақшбанд ва Ғиждувоний) сағаналари, мақбаралари батамом қайта тикланиб, бебаҳо архитектура ва маънавият марказларига айлантирилди.

Бугун халқимиз, айниқса ёшлиар Яссавий, Имом ал-Бухорий, ат-Термизий, ан-Насафий, ас-Самарқандий, ан-Ханафий, Баҳовуддин Нақшбанд, Ғиждувоний, Фитрат, Беҳбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов каби юзлаб буюк заминдошларимизнинг номларини ҳам, уларнинг маънавий меросига тааллуқли асарларини ҳам яхши билади.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Маданий меросдаги ҳаётни барқарорлаштирувчи, инсон камолотига, тараққиётига хизмат қилувчи жиҳатларгина халқ маданиятига айланади ва у янги авлодлар томонидан қабул қилинади. Маънавий мерос қадимдан аждодларимиз, ота-боболаримиз, тарихий манбалардан бизгача етиб келган сиёсий, фалсафий, хуқуқий, миллий ва диний қадриятлар, ахлоқ-одоб меъёрлари, илм-фан ютуқлари, тарихий, бадиий ва санъат асарлари каби маънавий бойликлар йиғиндиси бўлиб, уни халқимиз ҳамиша ўрганиб бойитганлар.<sup>5</sup>

Маданий мерос жамият асосини, халқимизнинг авлоддан-авлодга ўтиб келаётган маънавий қадриятлари ва анъаналарини мустаҳкамлайдиган омил ҳисобланади. Тарихий ва маданий ёдгорликлар ҳар бир инсонга таъсир қўрсатиб, ўзига мафтун қиласи ва ғуурлантиради. Шу боис уларни сақлаш, фақатгина давлатнинг эмас, энг аввало, балки ҳар бир фуқаронинг бурчи, мақсадига айланиши лозим.

Ҳар бир давлатда халқининг ўтмиши ва улуғвор тарихини эслатиб турувчи тарихий обидалар ва ёдгорликлар мавжуд. Ушбу ёдгорликлар орқали инсонлар маънавий озуқа олади, ўз давлатининг тарихидан фахрланади ва ғуур туйғусини ҳис этади.

<sup>5</sup> Шермуҳамедов С.Ш. Истиқлол қуёши. – Т.: Маърифат –Мададкор, 2002. Б. 42-43.

Президентимиз раҳнамолигида миллий маданиятимизни асраб-авайлаш, ривожлантириш, юртимиздаги тарихий обида ва ёдгорликларни қайта тиклаш, ўрганиш ва келажак авлодларга бус-бутун етказиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

## НАТИЖАЛАР

Мамлакатимизда ҳозирги кунга қадар 8 минг 210 та моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объекти давлат муҳофазасига олинган бўлиб, шундан 4 минг 788 таси археология, 2 минг 252 таси архитектура объектлари, 678 таси монументал санъат асарлари, 532 таси диққатга сазовор жойлар ҳисобланади.<sup>6</sup> Аммо бу рўйхат шу билан чекланади дегани эмас, Маданий мерос агентлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан республика бўйлаб ўрганиш ишлари олиб борилмоқда ва “Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхати”га ўзгартириш киритиш бўйича таклифлар тайёрланмокда.

Биласиз, ЮНЕСКОнинг бутун жаҳон маданий ва табиат ёдгорликлари мероси рўйхатига Хивадаги очиқ осмон остидаги музей — Иchan қалъа, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз шаҳарларининг тарихий-маданий, диққатга сазовор қисмлари киритилган. Мустақил Ўзбекистон Республикасининг давлат сиёсати йўналишларидан бири, бу — ўтмиш қаъридан етиб келган бой тарихий-маданий меросимизни сақлаш. Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларида қабул қилинган “Маданий мерос объектларини муҳофaza қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”, “Музейлар тўғрисида”, “Археология мероси объектларини муҳофaza қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунлар асосида инсоният цивилизацияси ривожланишида муҳим ўрин эгаллаган қадимги ва ўрта асрларда мавжуд бўлган шаҳарлар харобалари, монументал санъат ёдгорликлари, алоҳида аҳоли зиёратгоҳ жойлари, меъморчилик мероси ёдгорликларини сақлаб қолиш, таъмирлаш ва ўрганишда давлатимиз томонидан кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилмоқда.

Буюк аждодларимиз томонидан маҳорат билан бунёд қилинган ва бугунги кунгача сақланиб келинаётган, уларнинг номини асрлар оша агадийлаштирган меъморчилик тарихий мажмуалари — Самарқанддаги Шоҳи Зинда, Регистон, Бибихоним, Рӯҳобод, Амир Темур мақбараси, Бухородаги Калон масжиди ва минораси, Мир Араб мадрасаси, Лаби Ҳовуз ва Боло Ҳовуз мажмуалари ҳамда бошқа ўнлаб, юзлаб қадимги, ўрта асрлардаги меъморчилик дурдоналари халқимизнинг юксак ижодкорлик имкониятларидан дарак беради.

<sup>6</sup> [https://uza.uz/posts/2022-yilda-69-ta-madaniy-meros-obekti-tamirlash-usullari-orqali-asl-holiga-keltirildi\\_460984](https://uza.uz/posts/2022-yilda-69-ta-madaniy-meros-obekti-tamirlash-usullari-orqali-asl-holiga-keltirildi_460984)

Ўтмишдаги буюк аждодларимиз Амир Темурга Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабзда, Мирзо Улуғбекка Тошкентда, Аҳмад ал-Фарғонийга Фарғона ва Қувада, Алишер Навоийга Тошкент, Навоийда, Алпомишига Термизда, Жалолиддин Мангуберди ҳамда “Авесто” китобига Урганчда ва миллий тарихий ҳамда маданий меросимизга катта ҳисса қўшган қўплаб тарихий шахсларга ёдгорликлар ўрнатилди.

## МУҲОКАМА

Бундан ташқари ҳудудларда узок йиллар давомида шаклланган меъморчилик мактабларини сақлаб қолиш ва ривожлантириш мақсадида давлат муассасаси шаклида “Маданий мерос объектлари реставрацияси дирекцияси” ва босқичма-босқич равишда унинг минтақавий реставрация марказлари ташкил этилди. Давлат бюджетидан маданий мерос объектларини асраршга доир ишлар учун ажратиладиган маблағлар устувор равишда тўғридан-тўғри шартнома асосида “Маданий мерос объектлари реставрацияси дирекцияси”га йўналтирилладиган бўлди.

Хозирги кунда давлатимиз томонидан маданий меросимизга янада катта аҳамият берилаётгани соҳа мутахассисларини қувонтиради. Бу эса нафақат халқимиз учун балки туризм соҳасининг ривожи учун ҳам қувонарлидир.

## ХУЛОСА

Ҳар бир тарихий ёдгорликни яқиндан кузатар экансиз, уларнинг маҳобатлилиги инсонни ҳайратга солади, ҳамиша ғуурланиб яшашга ундейди. Уларнинг рангларидаги жозибадорлик, асарлар оша сақланиш сирлари мутахассисларни янада кенгроқ тадқиқотлар олиб боришга чорлайди.

Аждодларимиз томонидан қолдирилган маданий меросни асрарб-авайлаш бурчимиз ва келгуси авлодларга ҳам ўз ҳолича етказиш бизнинг масъулиятли вазифамиздир.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Шермуҳамедов С.Ш. Истиқлол қуёши. – Т.: Маърифат –Мададкор, 2002. Б. 42-43.
2. A., Utanova U. "Scientifically-Philosophical Analysis of Cultural and Spiritual Heritage." International Journal on Integrated Education, vol. 2, no. 1, 2019, pp. 53-55, doi:10.31149/ijie.v2i1.288.

3. Umida A. Utanova, (2021). *The role of museums in the development of tourism.* Current research journal of history (2767-472X), 2(10), 27-32  
<https://masterjournals.com/index.php/CRJH/article/view/388>
4. Utanova, U. A. (2020). *Folk culture is a socio-historical phenomenon.* International Engineering Journal For Research & Development, 5(9), 5-5.
5. Утanova У. А. *Общечеловеческое и национальное в народной культуре* //Сборники конференций НИЦ Социосфера. – Vedecko vydavatelske centrum Sociosfera-CZ sro, 2014. – №. 38. – С. 91-95.
6. Утanova У. "Народная культура": понятие, сущность, социально-философский анализ //Современные научные исследования: актуальные теории и наблюдения. – 2016. – С. 183-185.
7. Utanova U. "Kompyuter axborot madaniyati"-submadaniyatning vujudga kelishi //Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ахборотномаси илмий-амалий журнали. – 2021. – Т. 5. – №. 03. – С. 62-66.
8. Umida Agzamkhodjaevna Utanova, Khabibullo Ibodullaevich Rajabov, Kutlugjon Khamdamovich Inoyatov and Bakhtiyor Sherbekovich Marufbaev (2021) *Entrepreneurial Universities as a Modern Development Stage of the University 3.0 Concept.* Volume 18, Special Issue on Current Trends in Management and Information Technology, Pages: 1053-1066.
- DOI: 10.14704/WEB/V18SI05/WEB18281
9. [https://uza.uz/posts/2022-yilda-69-ta-madaniy-meros-obekti-tamirlash-usullari-orgali-asl-holiga-keltirildi\\_460984](https://uza.uz/posts/2022-yilda-69-ta-madaniy-meros-obekti-tamirlash-usullari-orgali-asl-holiga-keltirildi_460984)

## КОМПЬЮТЕРНАЯ ГРАФИКА И ЕЕ ПОЛОЖЕНИЕ В СОВРЕМЕННОМ ОБЩЕСТВЕ УЗБЕКИСТАНА

**Гайрат Абдуллаходжаев**

К.ю.н., Доцент кафедры "Общественных наук, педагогики и профессионального образования" Национальный институт художеств и дизайна им. Камолиддина Бегзада

**Овчинникова Анна**

Студентка 3 курса ТСФ "Национального института художеств и дизайна им. Камолиддина Бегзада

### **ANNOTATION**

*This article is about today's modern technology of computer graphics and its advantage of using it in the works of art and its place in the society.*

**Ключевые слова:** компьютерная графика, спецэффект, рейсишины, рапидограф, цифровизация.

### **АННОТАЦИЯ**

Уибубу мақолада хозирги замонавий технология мансуб компьютер графикаси ва унинг санъат асарларни яратишда афзаллиги ва жамиятда тутмуган ўрни таҳлил қилинган.

Ushbu asarda birinchi navbatta dekorativizm<sup>10</sup> ko'zga tashlanadi. Yani asar birinchi navbatda sillqlikka hamda bir nechta tiniq va yorqin bo'lgan kontras ranglarga ega. Asarda tasviri aks etgan kinorejissyor va aktyor Shavkat Abdusalomov Moskva shahrida yashaydi, Toshkentga kinorejissyor Shuhrat Abbasovning taklifiga binoan kelgan edi, shunda u rassom Ro'zi Choriyev bilan tanishib qoldi. Shavkat Abdusalomov portreti rassom Ro'zi Choriyev bu davrda yaratgan e'tiborli asarlaridan biri bo'lib qoldi. Kinorejissyor va aktyor asarda rassomning kottedji oldidagi bog'chada tasvirlandi. Portretda u butun bo'yi bilan bahorgi yashillikda, yelkasiga qora-kumushsimon-ko'k kostyum ustidan tashlab olgan holda tasvirlandi. U biroz boshini egib, tomoshabinga qovog'i ostidan qarash qilib turibdi. U bilan muloqotda bo'lgan odamlar uning maftunkorligini, aqliligini, iqtidorini, xushmuomalaligini va shu bilan birga kamtarin ekanligini ta'kidlaganlar. Do'stlar davrasida u bilan suhbatlashish xuzur baxsh etardi, negaki doimiy Moskvada yashaganligi uchun madaniy voqealar markazida bo'lar va shu sabab undan ko'p axborot olish mumkin bo'lar edi. Asarning butun rangi yoqimli, u ma'lum ma'noda XX asr boshlarida yashagan Valentin Serov va Konstantin Korovin singari rus rassomlarining plenerda ishlagan asarlarini yodga soladi. Bunday chog'ishtirish tabiiy hisoblanadi. Negaki bu rassomlar ham bahorgi yosh barglar va maysalar fonida portret ishlashni yoqtirardi. Umuman portret rangi yoqimli va ishonchli chiqqan.

<sup>10</sup> Dekorativizm (dekorativ so'zidan — bezak, tomosha) tasviriy san'atning stilistik asosi bo'lib, asarga sun'iy kompozitsiyani, detallarni tartibga solish va "voqelikni bezash" elementlarini kiritadi.

Rassom yaratgan xar bir portret yechimida jo‘shqinlikning muayyan ulushi bor, ammo asosiysi rassomning o‘zi chizayotgan insonga nisbatan muhabbat tuyg‘usi mana men deb turadi. Ro‘zi Choriyev shijoat bilan yonib yashadi va ijod qildi. Shu sababli uning milliy tasviriy san’atdagi xizmatlari munosib tag‘dirlandi. U O‘zbekiston xalq rassomi, O‘zbekiston Badiiy akademiyasining akademigi, Davlat mukofoti sovrindori bo‘ldi. Rassom do‘stlari hamkasblari shogirdlari, uni tanigan va bilgan barcha uchun munosib ibrat, yorqin xotira bo‘lib qoldi. Atoqli musavvir 2004 – yilning 18-sentyabrida dunyodan ko‘z yumdi.

		
R.Choriyev. “Sayroblik qariya”. 1979 yil.	R.Choriyev. “Botir Zokirov портрети”. 1985 yil	R.Choriyev. “Shavkat Abdusalomov portreti”. 1985 yil

### FOYDALANILGAN MANBALAR ROYHATI

1. *Oqilova K. Yonib yashagan musavvir (Ro‘zi Choriyev), Jahon adabiyoti, 2013. 8-son.*
2. *Kultasheva N. Kultashev B. Sadikova S. Development of Portrait of Uzbekistan During the Early 20th Century / Journal of Contemporary Issues in Business and Government Vol. 27, No. 2, 2021*  
[https://scholar.google.com/do/scholar?oi=bibs&cluster=9453731303554570351&btl=1&hl=en](https://scholar.google.com/do/scholar?oi=bibs&cluster=9453731303554570351&btnl=1&hl=en)
3. *Abdirasilov S. Boymetov B. Tolipov N; Tasviriy san’at. Kasb – hunar kollejlari uchun o‘quv qo‘llanma, Toshkent, 2006. 176 bet.*
4. *Ro‘zi Choriyev hayoti va ijodi / <https://mrdi.uz/>*
5. *Rahmatov I, O‘zbekiston xalq rassomi Ro‘zi Choriyevning 90 yilligi nishonlandi. Xalq so‘zi.*
6. *Декоративизм в живописи: известные художники, картины | Artxiv*  
<https://artchive.ru/styles/decorativism>

## METHODS OF CREATING AND USING WEB APPLICATIONS IN THE FORMATION OF INFORMATION FLOW

**Umida Reimbaeva Aytbay qizi**

Student of Tashkent University Information Technologies

*reimbaevaumiida@gmail.com*

**Nargiza Allambergenova Azat qizi**

Student of Tashkent University Information Technologies

*naraallambergenova@gmail.com*

### **ABSTRACT**

*This article is about the methods of creating and using web applications in the formation of the flow of information.*

**Keywords:** *Economics, commercial banks, information flow, financial system, innovative technologies, web applications, IT technologies, programming, application development, web-developer*

### **INTRODUCTION**

Today, in almost all aspects of the life of our society, processes of globalization, that is, in every field, huge developments and innovations are being created and the world is seeing the face of it. In science and education, economy, culture, international relations, etc., we can see news created by new innovative technologies or established on the basis of projects based on innovative ideas. is also increasing. Also, this process is widely used in the economy as well as in all areas. At the core of these processes lies the concept of "information", which is considered the greatest power for the 21st century. In fact, today whoever has the most accurate, fastest, most reliable and most truthful information can freely share it with the people around them. Let's take a look at the economic system of our country as a clear proof of our idea. Therefore, the role of these technologies in forming the flow of information, establishing a quality information exchange and continuing this process in a quality way is very incomparable even in ordinary commercial banks. In general, every moment of human life has already adapted to live relying on various such gadgets. This means that every type of activity in people's lives or service sector is covered by these innovative, new and most importantly efficient high-speed devices.

## LITERATURE ANALYSIS AND METHODS

If we look at it from this point of view, in the creation, discovery and implementation of IT devices, mature specialists in this field are growing: programmers, specialists working in the IT field, bloggers, SMM specialists, web designers, web developers., graphic designers, etc. Web Developers, who create web programs and web applications for any industry, have their place among these information world professions. That is, web developers are internet professionals who create convenient, fast, diverse mobile applications with various advantages that are necessary for all industries. The essence of this profession is that web developers create new application projects and improve them.

Some of the most important terms that a Web Developer should know are:

1. An algorithm is a set of steps to perform certain tasks. In computer programming, algorithms are an important part of problem solving. When creating an algorithm, developers document all the necessary steps to solve a problem and what each step involves.

API - Application Programming Interface. An API allows two different programs to communicate with each other by providing some part of the website's code to developers. Developers can use this code, the API, to create tools and widgets that connect to this website. For example, you use the Google API to enable Google registration on your site.

3. App or Application: You are undoubtedly familiar with applications and use several of them every day. Application is basically a program that allows the user to perform various tasks. For example, Telegram is also an application. As a developer, you need to understand the difference between desktop apps, mobile apps, and web apps.

4. Frontend: The front end of the website is the part that the user sees and uses. Frontend languages include HTML, CSS, and JavaScript, all of which control the appearance of a website.

5. Backend: The code that runs on the server side of the website is called the backend code. The backend contains all the logic behind the site, including inserting, editing, and deleting data in the database.

Whether we like it or not, mobile applications (apps) are used more than websites and they are gaining more popularity than websites. Therefore, the cost of mobile application development is much higher compared to website development.

## DISCUSSION AND RESULTS

Mobile applications are made on the basis of two giants: Android and iOS. In order to prepare a program for each of them, you need to have skills and knowledge in

a certain direction. Seeing that the demand for programmers who write applications only for Android or only iOS is very high, one can imagine the demand for a programmer who can write applications for both Android and iOS.

Creating a fully dynamic website using only HTML/CSS and JavaScript is a difficult task. But building mobile apps using relatively easy-to-learn skills like HTML/CSS and JS seems almost impossible compared to building websites. In addition, developing applications for mobile devices is a much more expensive and valuable skill than developing websites.

Web applications are created on the basis of JavaScript, CSS and HTML5 programming languages. Unlike mobile apps, there is no standard software development kit for building web apps. However, developers have access to templates. Compared to mobile apps, web apps are generally faster and easier to build, but are much simpler in terms of features. If you're willing to learn HTML, CSS, and JavaScript, this free tutorial is more than enough to make a fully dynamic website using only HTML/CSS and JavaScript. But building mobile apps using relatively easy-to-learn skills like HTML/CSS and JS seems almost impossible compared to building websites. In addition, developing applications for mobile devices is a much more expensive and valuable skill than developing websites.

## CONCLUSION

Web apps require an active internet connection to run, while mobile apps can run offline. Mobile apps have the advantage of being faster and more efficient, but they require the user to constantly download updates. Web applications update themselves.

Unlike regular web apps (and similar to native mobile apps), advanced web apps work offline and load very quickly. This is primarily due to the improvement of the modern browser: thanks to the Application Cache feature, websites can now store large amounts of data offline. That's why advanced web apps can be used without an internet connection, giving them typical native mobile app functionality, such as push notifications, local video and audio recording, and local video playback.

Just like standard web apps, progressive web apps require no download or installation. In many ways they seem to offer the best of both worlds. As Alex Russell, who coined the term, defines them as follows: PWAs are "responsive, connection-agnostic, app-like, novel, secure, discoverable, linkable, installable, and linkable web experiences".

In conclusion, based on this sequence and order, you can easily create a web application, add new functions to it, using the programming language of your choice, in order to form a reliable and high-quality flow of information both in the economy and in commercial banks. and of course you will be able to improve it.

**LIST OF USED LITERATURE**

1. Batty, M.; Longley, M. *Fractal Cities—A Geometry of Form and Function*; Academic Press: London, UK, 1994.
2. Vaughan, J.; Ostwald, M.J. *Using fractal analysis to compare the characteristic complexity of nature and architecture: Re-examining the evidence*. Archit. Sci. Rev. **2010**, *53*, 323–332.
3. Perry, S. *The Unfinished Landscape—Fractal Geometry and the Aesthetic of Ecological Design*. Ph.D. Thesis, Queensland University of Technology, Brisbane City, Australia, 2012.
4. Mandelbrot, B.B. *The Fractal Geometry of Nature*, Henry Holt and Company; Cambridge University Press: Cambridge, UK, 1982.
5. Taud, H.; Parrot, J.-F. *Measurement of DEM roughness using the local fractal dimension*. Géomorphol. Relief Process. Environ. **2006**, *11*, 327–338.
6. Thomas, I.; Frankhauser, P.; De Keersmaecker, M.-L. *Fractal dimension versus density of built-up surfaces in the periphery of Brussels*. Pap. Reg. Sci. **2007**, *86*, 287–308.
7. Cartwright, T.J. *Planning and Chaos Theory*. J. Am. Plan. Assoc. **1991**, *57*, 44–56.
8. Batty, M. *Cities and Complexity: Understanding Cities with Cellular Automata, Agent-Based Models, and Fractals*; MIT Press: Cambridge, MA, USA, 2005.
9. Cardillo, A.; Scellato, S.; Latora, V.; Porta, S. *Structural properties of planar graphs of urban street patterns*. Phys. Rev. E **2006**, *73*, 066107.
10. Usmonov M. T. *The Concept of Size and Measurement*. International Journal of Academic Information Systems Research (IJAISR) ISSN: 2643-9026 Vol. 5 Issue 1, January - 2021, Pages: 36-40.
11. Usmonov M. T. *The Emergence and Development of Methods of Writing All Negative Numbers*. International Journal of Academic Information Systems Research (IJAISR) ISSN: 2643-9026 Vol. 5 Issue 1, January - 2021, Pages: 48-50.

## QUVURLARNI HARORAT VA BOSIM OSTIDA KOMPOZIT YAMOQ BILAN TA'MIRLASH

**O'rino Ulug'bek Komiljonovich**

Toshkent davlat texnika universiteti Texnika fanlari doktori, professor

[u\\_orinov@mail.com](mailto:u_orinov@mail.com)

**Sattarkulov Lazizbek Abror o'g'li**

Toshkent davlat texnika universiteti 3-bosqich talabasi

[dispatcherthebekabad@gmail.com](mailto:dispatcherthebekabad@gmail.com)

**Abdukarimova Shoxzoda Abduvosit qizi**

Toshkent davlat texnika universiteti 3-bosqich talabasi

[abdukarimova.shoxzoda@gmail.com](mailto:abdukarimova.shoxzoda@gmail.com)

### ANNOTATSIYA

*Ushbu maqola uch o'lchovli chekli elementlar usuliga tayangan holda elastik va elastoplastik quvurlarning yorilish intensivligi omillari va integralini hisoblash orqali ichki bosim yukiga duchor bo'lgan maxsus po'lat silindrsimon tarmog'i tahlil qilish uchun ishlatiladi. Yoriq yuzada yopishtirilgan kompozit yamoqni ta'mirlash samaradorligi ta'kidlangan. Olingan natijalar shuni ko'rsatadiki, qoldiq issiqlik yoriqning pastki qismidagi kuchlanish intensivligi omilini sezilarli darajada oshiradi, bu esa ta'mirlash samaradorligini pasaytiradi.*

**Kalit so'zlar:** kompozit yamoq bilan ta'mirlash, quvur tarmog'lari, yoriq, ichki bosim, harorat, intensivlik omili.

### ANNOTATION

*This article is used to analyze a special steel cylindrical web subjected to internal compressive load by calculating the crack intensity factors and integrals of elastic and elastoplastic pipes based on the three-dimensional finite element method. The repair efficiency of the composite patch glued to the cracked surface is emphasized. The obtained results show that the residual heat significantly increases the stress intensity factor at the bottom of the crack, which reduces the repair efficiency.*

**Key words:** composite patch repair, pipe networks, crack, internal pressure, temperature, intensity factor.

Jahon iqtisodiyotining jadal rivojlanishi bilan global energiya talablari ortib bormoqda. Neft va gazni quvur orqali tashish uglevodorod tashuvchi kompaniyalar uchun eng xavfsiz va arzon yo'l hisoblanadi. Quvurning rentabelligini oshirish uchun oqim ko'pincha xizmat bosimini oshirish orqali oshiriladi. Bog'langan kompozit bo'g'inlarning turli jihatlari bo'yicha adabiyotlarda katta tadqiqot ishlari mavjud. Kompozit yamoqlar texnologiyasida bir nechta dizayn parametrlari muhim rol o'ynaydi, masalan yamoq o'lchami, yamoq shakli, material tanlash, atrof-muhit harorati, isitish zonalarining o'lchami, dizaynning ayrimlarining ahamiyati, ta'siri va parametrlarini muhokama qilinadi.

Quvurni ta'mirlash uchun ta'mirlash sharoitlariga qarab muhim bo'lishi mumkin bo'lgan bir qator texnik dizayn masalalarini hisobga olish kerak. Bog'langan ta'mirlashni quvur tarmog'lariga qo'llash ta'mirlash sharoitlariga qarab muhim bo'lishi mumkin bo'lgan materiallar bilan bir qator texnik dizayn muammolarini keltirib chiqaradi. Bir misol, yuqori haroratli yopishtiruvchi ta'mirlash yamog'ini boshqa termal kengayish koeffitsientiga ega bo'lgan substratga yopishtirish uchun ishlatilganda qoldiq rivojlanishi gr/ep (grafit/epoksi), b/ep (bor/epoksi) va sh/ep (shisha/epoksi) dan foydalanishning asosiy kamchiligi kompozitsion va issiqlik kengayish koeffitsientlarining nomuvofiqligidan kelib chiqaradi. Qoldiq termal metall yamoqni yopishtirish uchun yuqori haroratli yopishtiruvchi vositalardan foydalanilganda ayniqsa muhimdir. Misol uchun, quvur tarmog'i tuzilmalariga qo'llaniladigan odatiy ta'mirlashda mustahkamlangan hudud dastlab taxminan ma'lum soat davomida bosim ostida taxminan 100-120°C haroratgacha isitiladi va keyin yopishtiruvchi qattiqlashgandan keyin xona haroratiga sovutiladi. Kompozit yamoq va metall quvur tarmog'ining elastik xususiyatlari va termal kengayish xususiyatlari o'rtaqidagi farqlar tufayli qoldiq termal paydo bo'lishi mumkin. Ba'zi hollarda qoldiq issiqlik kompozit yamoqlarni ta'mirlash samaradorligi uchun jiddiy muammo ekanligi uzoq vaqtdan beri tan olingan. Agar ta'mirlash materiali substratdan farq qilsa, dizayn jarayonida qoldiq kuchlanish darajasini hisoblash kerak.

So'nggi yillarda ushbu qoldiq qiymatlarini baholashga ko'plab urinishlar qilindi. Chiziqli elastik sinish mexanikasi va chekli elementlar usuliga asoslangan analitik usuldan foydalangan va kompozit material bilan tuzatilgan devordan o'tgan nuqsonli po'lat quvur tarmog'ida ko'rib chiqilgan. Maxsus dasturidan bosim yuki ostida yamoq ta'mirlash bilan yorilib ketgan alyuminiy quvurning eksperimental natijalarini yaxshiroq tahlil qilish uchun foydalangan. Shikastlangan quvurlarni ta'mirlash uchun kompozit materialdan foydalanilgan. Bu xizmatni to'xtatmasdan tezroq bitirish va tejamkorlikni ta'minlovchi usul hisoblanadi. Kompozit bor epoksi yamoq bilan ta'mirlangan alyuminiy plastinkada qoldiq termal kuchlanish intensivligi omilining o'zgarishiga ta'sirini tahlil qildi. Qoldiq termal ta'mirlangan aviatsiya inshootlarining

eskirish muddatini qisqartirishga olib keldi. Qoldiq issiqlik ta'mirlash samaradorligiga ta'sirini yumshatish uchun qattiqlashuv harorati va yopishtiruvchi xususiyatlarni optimallashtirish kerak. Shuningdek, yamoqning intensivligi omillarini kamaytirishga ta'sirini o'rganish uchun kompozit yamoq bilan tuzatiladigan dumaloq naychani ham ko'rib chiqdi.


Ushbu maqolaning maqsadi yopishqoq kompozit yamoqli po'lat quvurlardagi ta'mirlangan yoriqning kuchlanish omilining o'zgarishi ta'sirini tahlil qilishdir. Ushbu ishning yangiliklari kompozitning geometrik, issiqlik va mexanik xususiyatlarining yopishtiruvchi kompozit yamoq bilan tiklangan yoriqlar oxirida kuchlanish intensivligi koeffitsientining o'zgarishiga ta'sirining parametrik tadqiqotlaridir.

Ichki bosim yuki ostida kompozit yamoq bilan ta'mirlangan yoriqli po'lat quvur tarmog'i 1-rasmida tasvirlangan (1-rasm). Maxsus elastik silindrsimon po'lat quvur tarmog'i quyidagi o'lchamlarga ega:  $D_{quvur}=304,8\text{mm}$ ,  $L_{quvur}=1000\text{mm}$ ,  $e_{quvur}=4\text{mm}$ . Quvur o'qiga uzunligi 2a bo'lgan ko'ndalang yoriq quvur liniyasida mavjud deb taxmin qilinadi.

Ushbu yoriq qalinligi 2mm va uzunligi 4a bo'lgan bor epoksi kompozit yamoq bilan tiklanadi. Bog'lash uchun ishlatiladigan yopishtiruvchi qalinligi  $e = 0,2\text{mm}$ , ichki diametri kompozit yamoqning tashqi diametriga teng. Kompozit yamoqning ichki diametri quvur tarmog'ining tashqi diametriga teng. Yopishtiruvchi  $120^{\circ}\text{C}$  da qattiqlashadi va atrof-muhit harorati  $20^{\circ}\text{C}$  deb hisoblanadi. Quvur liniyasi va kompozitning elastik va issiqlik xususiyatlari 1-jadvalda keltirilgan (1-jadval).

1-rasmida tasvirlangan konfiguratsiyani chekli elementlar usulida tahlil qilish, hisoblash kodi yordamida amalga oshiriladi (1-rasm). Ushbu uch o'lchovli strukturaning chekli elementlar modelida murakkablik darajasidan qochish uchun javobning muhim xususiyatlarini qo'lga kiritishga imkon beradigan bir nechta soddalashtirilgan taxminlarni ishlab chiqildi.

Cheklangan elementlar modeli uchta kichik bo'limdan iborat: yoriq quvur tarmog'i, yopishtiruvchi va kompozit yamoqlardir. Simmetriya tufayli ta'mirlangan quvur tarmog'ining faqat yarmi hisobga olinadi. Yoriq old qismini yaratish uchun dastlab yoriq uchi atrofida yaratilgan bir qator elementlar yoriq bloki bilan almashtiriladi. Ushbu yorilish bloki kvadrat elementlar bilan to'rlangan bo'lib, ular dastlabki elementlarning bo'shlig'ida tasvirlangan va kvadrat to'r bilan birlashtirilgan. To'r yoriq uchi yaqinida kamida 10 ta elementdan foydalangan holda yoriq uchi yaqinida tozalanadi. To'rni elementlarning soniga mutanosib ravishda aniqlab, bu natijalarning yaqinlashishini ta'minlaydi. Hisoblash xarajati past bo'lishi uchun kvadratik interpolatsiya funktsiyalariga asoslangan kvadrat elementlardan foydalilanadi, bu bizga qisqartirilgan integratsiya sxemasiga ega bo'lish imkonini beradi.



Virtual yoriqni yopish texnikasi energiya balansiga asoslanadi. Ushbu texnikada kuchlanish intensivligi omillari tenglama yordamida uchta sinish rejimi uchun olinadi:

$$G_i = K_i^2 / E$$

bu yerda  $G_i$  - i rejim uchun energiyani ajratish tezligi,  $K_i$  - i rejim uchun kuchlanish intensivligi omili va  $E$  - elastiklik moduli.

	$E_1$	$E_2$	$E_3$	$G_{12}$	$G_{13}$	$G_{23}$	$\gamma_{12}$	$\gamma_{13}$	$\gamma_{23}$	$\alpha_{12}$	$\alpha_{13}$	$\alpha_{23}$
Quvur	207						0,33			22,5		
Gr/ep	200	19,6	19,6	7,2	5,5	5,5	0,3	0,28	0,28	4,5	23	23
B/ep	50	14,5	14,5	2,56	2,56	2,24	0,33	0,33	0,33	5,5	15	15
Sh/ep	134	10,3	10,3	5,5	5,5	3,2	0,33	0,33	0,53	-1,2	34	34

#### *1-jadval. Turli materiallar elastik va termal muvozanati*

Raqamlar elementar hisob-kitoblarda to‘rni tanlash natijasida elementni xarakterlovchi tugunlar soni va ularning joylashuvi to‘r strukturasidagi zichligi aniqlanadi. To‘rning zichligini optimallashtirish bilan hisoblashning konvergentsiyasiga erishish uchun birinchi o‘rinlarda bir qator hisob-kitoblarni ishga tushirish tanlangan, uchta turli xil to‘rlar ishlatilgan. Natijani barqarorlashtirish, masalan kuchlanish intensivligi omili elementlarning soni va turini optimal tanlashni ifodalaydi. Intensivligi faktorining qiymatini yaxshiroq ushslash uchun to‘rni yoriqlar darajasida tozalash ham muhimdir. Strukturada ishlatiladigan elementlarning soni quvur tarmog‘ida 21414 ta element, yamoqda 2176 va yopishtiruvchi 2176 ta bo‘lakdan tashkil qiladi. 2-rasmda hisob-kitoblar uchun ishlatiladigan to‘rning arxitekturasi ko‘rsatilgan (2-rasm).

Yoriq va ta’mirlangan quvur tarmog‘idagi kuchlanish intensivligining koefitsienti uch turdagи kompozit yamoq bo‘yicha quvur tarmog‘idagi ichki bosimning o‘zgarishi funksiyasi sifatida o‘zgarishi ko‘rsatilgan. Intensivligi omili (IO) tolaning yo‘nalishi bo‘yicha (qo‘llaniladigan yukning yo‘nalishiga parallel) hisoblanadi. Ko‘rishimiz mumkinki, yopishtiruvchi ishlov berish jarayoni quvur tarmog‘idagi yoriqlar old qismida nisbatan yuqori darajadagini o‘z ichiga oladi. Bu

yopishtiruvchi va yamoq keskinlikda ekanligini anglatadi. Bosim ostidagi quvur tarmog‘i kuchlanish kuchlanishlarini ta’minlaydi. Yamoqdagi cheklovlarining intensivligi quvur tarmog‘idagi cheklovga nisbatan kamroq ahamiyatga ega. Buning sababi shundaki, po‘lat uchun termal kengayish koeffitsientidan kattaroqdir. Shu bilan birga, kompozitsionga nisbatan katta, chunki yopishqoq qatlam orqali po‘lat quvur liniyasidan kompozit qismiga kuchlanishning o‘tishi mavjud. Boshqa tomondan, yuqori bosim ostida ta‘mirlash uchun eng yaxshi kompozitsion bor/epoksidir, deb ham aytish mumkin.

Ichki bosimning funksiyasi sifatida intensivlig omilining chiziqli o‘zgarishi kompozit yamoqning chiziqli harakatini aniq aks ettiradi, kompozit qanchalik qattiq bo‘lsa, ta‘mirlash shunchalik katta bo‘ladi. Kompozitning tashqi muhitidagi haroratga bog‘liq holda uch xil turdagи kompozit yamoqlar (bor/epoksi, shisha/epoksi va uglerod/epoksi) tomonidan yorilgan va ta‘mirlangan quvur tarmog‘idagi kuchlanish intensivligi faktorining o‘zgarishi qo‘llaniladi. Harorat ko‘tarilganda intensivlig omili yuqori ekanligini sezamiz. Haroratning oshishi ta‘mirlash sifatini pasaytiradi, degan ma’noni anglatadi. Shuni aytish mumkinki, uchta kompozitsion bor/epoksi va harorat yuqori bo‘lgan joylarda eng chidamlı yamoqlardan biri hisoblanadi.

Ta‘mirlangan maxsus po‘lat quvur yorig‘i ostidagi kompozit yamoqning pastki qismidagi kuchlanish intensivligi omilining quvur tarmog‘i qalinligiga nisbatan yoriq chuqurligining o‘zgarishi funksiyasi sifatida ko‘rsatilgan. Paydo bo‘lgan yoriqning chuqurligini oshirishda ortib borishini payqash mumkin, shuning uchun yoriqning old qismi juda muhimdir. Yoriq juda chuqur bo‘lgan hollarda ta‘mirlash sifati pasayadi degan xulosaga keladi.

Ushbu maqola turli xil ta’sirlar ostida intensivlig omilini baholash bo‘yicha raqamlı simulyatsiyaga qaratilgan: harorat o‘zgarishi, bosimning o‘zgarishi, yamoq o‘zgarishi, yamoq qalinligining o‘zgarishi va kompozitsion xulosalar bilan yorilgan va tuzatilgan strukturaning po‘lat quvurining yoriq o‘lchamining o‘zgarishi inobatga olingan. Olingen natijalardan xulosa qilish mumkin:

➤ O‘yiqlar va yopishtiruvchi ta‘mirlashda hal qiluvchi rol o‘ynaydi. Har qanday pasayish samaradorligi yopishtiruvchining qarshilik ko‘rsatish qobiliyati bilan cheklangan.

➤ Samaradorlikni ta‘mirlash kompozit yamoqning qattiqligiga bevosita bog‘liq. Agar kompozitsion qattiqroq bo‘lsa, ta‘mirlash samaradorligi oshadi.

➤ Yamoq qalinligining oshishi qattiqlikni, samaradorlikni oshiradi.

➤ Yoriqlar uzunligi va chuqurligi oshgani sayin tuzatish samaradorligi pasayadi. Bu keyinchalik yopishtiruvchi ishiga putur etkazadi.

➤ Termik yuklarni to‘plash orqali yopishtiruvchi quvvatni zaiflashtiradi, bu esa kuchlanish intensivligi omilining oshishini tushuntiradi.

***FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR***

1. Манн А., Мендельсон Р., Ришельс Р. (1995). Модель для оценки региональных и глобальных последствий политики сокращения выбросов парниковых газов, *Energy Policy*, 23 (1), стр. 17-34.
2. Сидней Т., Ричард А. Д. (2003). Обзор способов транспортировки энергии природного газа из стран, которые не нуждаются в газе для бытовых нужд, *Энергетика*, (28), стр. 1461-1477.
3. Ибрагим Х., Илинка А., Перрон Д. (2008). Системы накопления энергии. Характеристики и сравнения, Обзоры возобновляемых и устойчивых источников энергии, (12), стр. 1221–1250.
4. Катнам К.Б., Да Силва Л.Ф.М., Янг Т.М. (2013). Склейенный ремонт композитных конструкций самолетов: обзор научных проблем и возможностей, *Прогресс в аэрокосмических науках*, (61), стр. 26-42.

## ISAJON SULTONNING “BILGA XOQON” ROMANI

**Madaminova Dilnura Bahodir qizi**

Urganch davlat universiteti talabasi

### **ANNOTATSIYA**

*Ushbu maqolada O‘zbekiston xalq yozuvchisi Isajon Sulton va uning “Bilga xoqon” asari haqida so‘z yuritiladi, shuningdek, “Bilga xoqon” romanining yaratilishi, badiiyligi, romandagi obrazlar, ramzlar tahlil qilinadi.*

**Kalit so‘zlar :** tarixiy roman, “Bilga xoqon”, ilk roman, tarixiylik va reallik, turk xalqi, tabg‘ach.

Keyingi yillarda o‘zbek adabiyotida tarixiy roman janrida ko‘plab asarlar yaratilayotgani milliy romanchiligidan ijobiy hodisadir. O‘zbek tarixiy-badiiy nasrida qadimgi turkiylar hayoti qalamga olingan asarlar juda kam. “Bilga xoqon” romani qadim ajdodlarimiz obrazini yaratish yo‘lidagi dadil qadamlardir. “Sharq yulduzi” jurnalining 2019-yil 9- va 10- sonlarida taniqli yozuvchi Isajon Sultonning “Bilga xoqon” tarixiy romani bosilib chiqdi. Yaqinda Turkiyaning Bursa shahrida Turk til qurumi, Turk davlatlari kengashi, Turkiya madaniyat va turizm vazirligi, Otaturk nomidagi madaniyat, tarix va til yuksak qurumi tomonidan o‘tkazilgan “Tilda, fikrda, ishda birlik – turkiy dunyo adabiyot (roman) mukofotlari” tanlovi g‘oliblari taqdirlandi. Ular orasida Isajon Sulton ham bor, uning “Bilga xoqon” romani tanlovda g‘olib bo‘ldi.

O‘zbekiston xalq yozuvchisi Isajon Sultonning “Bilga xoqon” tarixiy-biografik romani janriga ko‘ra, O‘zbekistonda ushbu mavzuda yaratilgan ilk roman sanaladi. 2022-yilda «Factor Books» nashriyoti tomonidan kitob holida chop etilgan.

“Bilga xoqon” romani – turkiy xalqlarning o‘n uch asrdan narigi davrdagi qayg‘ulari ifodasi. Yozuvchi toshbitiklar orqali yetib kelgan ma’lumotlarni roman matniga mohirlik bilan singdirib yuborgan, qadimgi turk davridagi manzarani, qahramonlarning turkona tabiatini, hech narsadan tap tortmas botirligini saqlashga harakat qilgan. Asarda davr xususiyatiga ko‘ra, arabcha va forscha so‘zlar qo‘llanilmagan, roman sof turkiy tilda yozilgan. Roman turk uluslarining birlik, qahramonlik, to‘g‘rilik, fidokorlik kabi muqaddas an‘analaridan xabar beradi. Asarning birinchi bo‘limi “Kichik yish” deb nomlangan, roman “Ko‘gman tog‘i etaklariga qish bola tashlagan, qor momoguldurak bilan yoqqan edi.”, - deya boshlanadi. Roman boshlanishidagi Ishbara yamtar va Bulut obrazlari turk buduniga xos bo‘lgan qirralarni o‘zida ifoda etgani bilan diqqatga sazovordir. Roman tarixiylik

tamoyili asosiga qurilgani uchun, yozuvchi ortiqcha dabdababozlikka, romantik kayfiyatlarga berilmaydi. Bilga xoqon, To‘nyuquq va Kultigin obrazlarini ideallashtirmsandan, ularning real qiyofasini chizadi. Asarda ko‘kturk xoqonligi davri, milliy qahramonlar Bilga xoqon, Kul Tigin, Bilga To‘nyuquq hayoti, ilk ko‘kturk davlatining qurilishi va turk yasasining joriy qilinishi, O‘rxun-Enasoy bitiklarining yaratilishi tarixi haqida so‘z boradi. Roman Bilga xoqon boshchiligidagi turkiy uluslarning birlashishi davridan boshlab, tabg‘achlarga qarshi kurashda g‘alaba qozonishi, o‘z davlatini tuzishi va yasasini joriy qilishi, bitiktoshlarning yaratilish tarixi va Bilga xoqonning xiyonat tufayli o‘ldirilishigacha bo‘lgan davrni qamrab oladi. Shu o‘rinda, Bilga xoqonning tarixdagiadolatli, millatparvar xoqon sifatidagi obrazi Eltarish xoqon va Kul tigin obrazlari orqali mukammal tasvirlangan.

Tabiat hodisalari va turli mavjudotlarga ma’nolar yuklash, barcha narsalar o‘z o‘rnida qandaydir betakror timsol vazifasini o‘tashi, professor Abdug‘afur Rasulov alohida uqtirganidek, Isajon Sulton asarlariga xos muhim xususiyatlardan biridir. “Bilga xoqon” romanida ham yozuvchi tabiat tasvirini mohirona tasvirlaydi. Romanning ilk so‘zлари ham tabiat tasviri bilan boshlanadi. Isajon Sulton ijodidagi tasvirlar hech kimnikiga o‘xshamagan, o‘ziga xos va takrorlanmas:

“Kun yanada yuksaldi, tevaragida oqish aylana yasadi;

Qattiq qish o‘z yoyini olib tevarakka muz o‘qlarini otgan, qordan to‘sinq yasab, izg‘irin cherigini yoygan kez...;

Kun yonboshlamagan edi. Ko‘k so‘yilgan qo‘zining terisiday och moviy bo‘lib turardi... ”

Isajon Sulton quyidagi voqeani hikoya qilar ekan, Ishbara va Bulut obrazlari orqali Vatanni qutqarib qolish yo‘lida turk xoqonligining vatanparvarlari or-nomus uchun hatto o‘limga ham tik borishga o‘zlarida zarurat sezgan degan gapni aytmoxchi bo‘ladi:

“– Shumi yigitlik? – dedi Ishbara. – Hoy siz! Eltarish xoqonning o‘g‘li Bilga xoqon so‘zi qulog‘ingizga kelmadimi?

– Keldi oz-moz!

– Unda xotin-bolangizni qo‘yib, Bilga xoqon so‘ziga kirsangiz bo‘lmaydimi? Boraylik, ne desa uni qilaylik.

Bilga xoqon bitta maqsadni – otasi Eltarish xoqon barpo qilgan Ikkinchiturk xoqonligini mustahkamlashni, bir-biriga dushmanlashgan turkiy qabilalarning boshini qovushtirishni ko‘zlagan edi. Romanning qaysi o‘rnida davlat va qabilalarni yakdil qilish manfaatlari turgan bo‘lsa, Bilga xoqon obrazi yetakchilik qiladi. Romandagi tabg‘ach xalqi tarixda kuch-qudrati bilan emas, balki makkorligi, turkiy qabilalarni bir-biriga dushman qilib parchalab tashlagani bilan nom qoldirgan. Quyidagi parcha turk budunining holatini tasvirlaydi:

“Kishilar yo‘qsillikda tubanlashib ketgan edilar! Birov birovni ko‘zga ilmas, oshliq o‘yi, kun kechirish qayg‘usi shu ko‘yga solib qo‘ygan, bo‘lar-bo‘lmas qush eti yo meva uchun urishib-so‘qishadigan turumga kelgan, qon to‘kishdan-da tap tortmas, yovqurligi, tikboshligi tugab bitgan edi. Yigit-yalang oshliq izlab olis ellarga ketib qolishar, tabg‘ach yo qitanga yollanib, er otiga to‘g‘ri kelmaydigan yumushlarni qilib yurishardi. Yilqi, yo mol boqib, qorovullik qilib, cherikka yollanib topganlarini oyda-yilda bir ena-otasiga yuborib, o‘zлari o‘sha yurtlarda esankirab, yerdayin bo‘lib yashashardi.”

Ishonuvchan, sodda turk qabilalari tabg‘achning nafis ipagiga, shirin so‘zlariga mahliyo bo‘lib, aldanib bir-biri bilan dushmanlashganini yozuvchi Bilga xoqon boshchiligidagi o‘n o‘q qabilasi ustiga yurish qilgani haqidagi voqealar orqali ko‘rsatadi. Bilga xoqonning o‘z ismiga munosib ravishda dono, mard xoqon. Bilga xoqon To‘nyuquqning “To‘qqiz o‘g‘uz o‘z qardoshimiz, qonimiz bir. Tuyqusdan bossak-chopsak, er kishini ishi bo‘lmas” degan maslahatiga rozi bo‘ladi, qarindoshlari to‘qquz o‘g‘uz, o‘n o‘q, qirg‘iz qabilasi ustiga qo‘qqisdan hujum qilishni o‘ziga ep ko‘rmaydi. Turklarning azal-azaldan qonida bor bo‘lgan mardlik va adolatparvarlikni yozuvchi juda o‘rinli topib tasvirlaydi.

Badiiy asarning tili uning umumiyligi muvaffaqiyatini belgilovchi bosh xususiyat hisoblanadi. Chunki badiiy ifoda, tasvir o‘quvchini dastlab asar voqeligiga, so‘ng muallifning adabiy (ma’naviy) olamiga olib kiradi. Asar tili ilk jumlalaridanoq o‘quvchiga nihoyatda sodda ko‘rinadi, bu soddalik esa o‘sha davr va muhit bilan uyg‘unlik kasb etgan. Bu uslub asar oxirigacha saqlanib qolgan:

“Bilga xoqon shunday dedi:

- Alplarim, botirlarim, erlarim, yigitlarim ! Yovni to‘xtamay bosasan.

- Otingni yeldirasan, to‘g‘ridan ura-ura borasan, so‘ng ayrilib, yonlamasiga yana urasan !

- Yelday uchib urishasan. Aylanib-aylanib urasan. Xalqali, yassili temir po‘stiningni, ustidan molteri po‘stiningni, boshingga dubulg‘angni kiyasan, o‘zingga o‘q tekkizmaysan...”

yoki turk qo‘shining tabg‘achlarni mag‘lub qilish arafasida yaralanib jon berayotgan Bulutning Ishbara yamtar bilan qilgan savol-javob tasviri :

“– Ishbara! – dedi Bulut arang shivirlab. – Biz yengdikmi?

– Yengdik, Bulut! Tabg‘achni enasini ko‘rsatdik!

– Ulus endi erklimi ?

– Endi tugal erkli, Bulut! ”

O‘ziga o‘zi ishonmagan odam o‘z xalqiga, hukmdoriga sadoqatini ko‘rsata olmaydi, xiyonat qilish uchun payt poylab turadi. Meyli Chur obrazida ayni shunday toifadagi odamlarni ko‘ramiz. Meyli Chur va Ishbara, Bulut bir-biriga zid obrazlar. El

Bo‘g‘u tilidan aytilgan “Qorin-qursoq, oshliq qayg‘usi er kishini tuban qilib qo‘yar ekan-da” degan gapi romanning asosiy maqsadiga ishora qiladi. Turkiy qavmlarning parokanda bo‘lib ketishlariga, birlasha olmayotganlariga qorin tashvishi sabab ekanini ko‘rsatadi. “Bizning urug‘lar yer yuzini yarmini to‘ldirgan, dedi. To‘g‘ri, To‘qqiz o‘g‘uz, qirg‘iz, qitan o‘z urug‘imiz. Naryoqda Tinsi o‘g‘li yotadigan toqqacha, bu yoqda Temir Qopqagacha bizning qondoshlar esa, nega buncha yo‘qsillikda yuribmiz?” deb o‘yladi. Uning o‘yi shungacha yetdi”

Xulosa qilib aytganda, badiiy asar bo‘sh idishga qiyos qilinadi. Uni o‘quvchi o‘z ko‘nglidagi ma’no bilan to‘ldiradi. Agar o‘quvchi ko ‘nglida ma’no bo‘lmasa, “idish” bo‘sh qolaveradi. Shunisi ham borki, chinakam badiiy asar hech qachon to‘lmaydigan bir idishdir. Ulug‘bek Hamdam bilan qaysi bir suhbatida Isajon Sulton : “Kitobga turnaqator navbatlar” bo‘lishini orzu qilgan edi. Nasib etsa, ana shunday kunlar kelsa, asarlariga turnaqator navbatlarda turilajak yozuvchilardan biri Isajon Sulton bo‘ladi deb o‘layman.

### ***FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR***

1. *Isajon Sulton. "Bilga xoqon" roman, qissalar va hikoyalar. Toshkent : Factor books nashriyoti, 2022.*

2. *Isajon Sulton nasri badiiyati: ilmiy maqolalar, taqriz, adabiy suhbatlar, maktublar/ to‘plib nashrga tayyorlovchilar : G.Sattorova, M.Qo‘chqorova. - Toshkent: Turon zamin ziyo, 2017.*

**Zimmerman N.Rahmonov. Mangu bitiktoshlar ilhom:** <https://uza.uz/posts/25169>.

4. *A.Haydarov. Jur’at jasorat va ijodiy mahorat mahsuli:* <https://uza.uz/posts/287869>

TABLE OF CONTENTS

Sr. No.	Paper/ Author
1	<b>Ataniyazov, J. X., &amp; Karimbekova , A. R. qizi. (2023). XORIJIY INVESTITSIYALAR O'ZBEKISTON IQTISODIY TARAQQIYOTINING OMILI SIFATIDA. SCHOLAR, 1(7), 4–9. Retrieved from <a href="https://researchedu.org/index.php/openscholar/article/view/2288">https://researchedu.org/index.php/openscholar/article/view/2288</a></b>
2	<b>Атаниязов , Ж. Х., &amp; Кенжаев , С. С. (2023). БЮДЖЕТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР ВА УЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЙЎЛЛАРИ. SCHOLAR, 1(7), 10–16. Retrieved from <a href="https://researchedu.org/index.php/openscholar/article/view/2290">https://researchedu.org/index.php/openscholar/article/view/2290</a></b>
3	<b>Ataniyazov , J. X., &amp; Uzoqov , X. N. (2023). MAHALLIY BUDJETLAR DAROMADLAR BAZASINI MUSTAHKAMILASH YO'LLARI. SCHOLAR, 1(7), 17–23. Retrieved from <a href="https://researchedu.org/index.php/openscholar/article/view/2291">https://researchedu.org/index.php/openscholar/article/view/2291</a></b>
4	<b>Ataniyazov , J. X., &amp; Ro'zimatov , A. X. o'g'li. (2023). MAHALLIY BUDJETLAR XARAJATLARINI REJALASHTIRISH MUAMMOLARI VA YECHIMLARI. SCHOLAR, 1(7), 24–30. Retrieved from <a href="https://researchedu.org/index.php/openscholar/article/view/2293">https://researchedu.org/index.php/openscholar/article/view/2293</a></b>
5	<b>Алимардонов , Э. Д., &amp; Туляганов , У. С. (2023). МАМЛАКАТИМИЗДА ТАШҚИ САВДО ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ. SCHOLAR, 1(7), 31–35. Retrieved from <a href="https://researchedu.org/index.php/openscholar/article/view/2295">https://researchedu.org/index.php/openscholar/article/view/2295</a></b>
6	<b>Отажонова , О., &amp; Абдуллаева , Н. (2023). ФАРЗАНД ТАРБИЯСИДА ОТАНИНГ РОЛИ ВА УНИНГ ИЖТИМОИЙ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ. SCHOLAR, 1(7), 36–39. Retrieved from <a href="https://researchedu.org/index.php/openscholar/article/view/2296">https://researchedu.org/index.php/openscholar/article/view/2296</a></b>
7	<b>Shamsiddinova , X. M. qizi. (2023). MUQIMIY IJODIY MEROSINING IQTISODIY AHAMIYATI. SCHOLAR, 1(7), 40–43. Retrieved from <a href="https://researchedu.org/index.php/openscholar/article/view/2297">https://researchedu.org/index.php/openscholar/article/view/2297</a></b>

8

Утanova , У. А., & Сабурова , Я. И. к. (2023). МАДАНИЙ МЕРОС - ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИ СИФАТИДА . SCHOLAR, 1(7), 44–48. Retrieved from

<https://researchedu.org/index.php/openscholar/article/view/2299>

9

Абдуллаходжаев , Г. (2023). КОМПЬЮТЕРНАЯ ГРАФИКА И ЕЕ ПОЛОЖЕНИЕ В СОВРЕМЕННОМ ОБЩЕСТВЕ УЗБЕКИСТАНА. SCHOLAR, 1(7), 49–53. Retrieved from

<https://researchedu.org/index.php/openscholar/article/view/2301>

10

Suyunova, Z., & Majidova, R. (2023). GENDER ISSUES IN ANTROPHOCENTRIC PROVERBS OF ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES. SCHOLAR, 1(7), 54–58. Retrieved from

<https://researchedu.org/index.php/openscholar/article/view/2303>

11

Юнусова , Д., & Эргашева , А. (2023). АВТОРСКИЕ ТЕХНОЛОГИИ ПРИ ОБУЧЕНИИ МАТЕМАТИКИ. SCHOLAR, 1(7), 59–63. Retrieved from

<https://researchedu.org/index.php/openscholar/article/view/2305>

12

Нурмонов, С., & Мажидов , И. (2023). МЕТАННИ КАТАЛИТИК ОКСИКОНДЕНСАТЛАШ РЕАКЦИЯСИ УЧУН КАТАЛИЗАТОР ТАНЛАШ. SCHOLAR, 1(7), 64–67. Retrieved from

<https://researchedu.org/index.php/openscholar/article/view/2307>

13

Zohidjonova , M. O. qizi. (2023). RO‘ZI CHORIYEV IJODIDA PORTRET. SCHOLAR, 1(7), 68–72. Retrieved from

<https://researchedu.org/index.php/openscholar/article/view/2309>

14

Reimbaeva , U. A. qizi, & Allambergenova , N. A. qizi. (2023). METHODS OF CREATING AND USING WEB APPLICATIONS IN THE FORMATION OF INFORMATION FLOW. SCHOLAR, 1(7), 73–76. Retrieved from

<https://researchedu.org/index.php/openscholar/article/view/2311>

15

O‘rinov , U. K., Sattarkulov , L. A. o‘g‘li, & Abdukarimova , S. A. qizi. (2023). QUVURLARNI HARORAT VA BOSIM OSTIDA KOMPOZIT YAMOQ BILAN TA’MIRLASH. SCHOLAR, 1(7), 77–82. Retrieved from

<https://researchedu.org/index.php/openscholar/article/view/2332>

16

Madaminova , D. B. qizi. (2023). ISAJON SULTONNING “BILGA XOQON” ROMANI. SCHOLAR, 1(7), 83–86. Retrieved from

<https://researchedu.org/index.php/openscholar/article/view/2337>